



ACCU-UNESCO Asia-Pacific ESD Programme
under UNESCO/Japan Fund-in-Trust for the Promotion of Education for Sustainable Development



ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ УСЛУБЛАРИ



CH0000009159

Инклюзив таълим 5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА РЕСУРС МАРКАЗ

ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ
ЮНЕСКО МАДАНИЙ МАРКАЗИ

ЮНЕСКО ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ КОМИССИЯСИ

Р. Шомахмудова, А. Бердиева

**ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
БОЛАЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ
ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ УСЛУБЛАРИ**



ТОШКЕНТ- 2008

Осиё ва Тинч океани минтақаси ЮНЕСКО маданий маркази ва ЮНЕСКО Осиё ва Тинч океани минтақасининг ҳамкорликдаги «Барқарор тараққиёт таълими» инновацион дастури доирасида нашр этилди.

The training manual was published with financial support of ACCU within ACCU-UNESCO Asia Pacific Innovation Programme for ESD.

Тақризчилар:
Ф.Музаффарова, М.Ю.Аюпова

Ушбу услубий тавсиянома соҳа бўйича ИМКнинг 2008 йил 16
сентябрь режадан ташқари 4-сонли йиғилиш қарори билан
нашрга тавсия этилган

СЎЗ БОШИ

Республикамизда алоҳида эҳтиёжли болалар билан коррекцион таълимий-тарбиявий-ривожлантирувчи ишларни олиб бориш, ижтимоий жамиятга эрта мослаштириш, имкониятларидан фойдаланиб ўз-ўзига хизмат қила оладиган қилиб вояга етказиш бугунги куннинг долзаб масалаларидан биридир. Ҳозирги кунда Республикамизда 87 та махсус мактаб ва мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, ушбу таълим муасасаларида имконияти чекланган болалар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Аммо кўплаб сабабларга кўра айрим имконияти чекланган болалар уйда якка тартибда ўқишмоқда ёки айримлари эса батамом таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Бундан ташқари махсус таълим ва тарбиянинг коррекцион-педагогик иш сифати юқори даражада бўлсада, бироқ айнан алоҳида эҳтиёжли болаларнинг соғлом муҳитда таълим-тарбия олмаётганликлари сабабли ижтимоий ҳаётимизга мослашишларида кўплаб қийинчиликлар ва муаммоларга дуч келмоқдалар. Шунинг учун ҳам имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ёпиқ-сегрегацион таълим тизимида ўқитилишининг кўплаб салбий оқибатларни юзага келтириши жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинди.

1990 йил Таиланднинг Джомътен шаҳрида ўтказилган Умумжаҳон Конференцияси асосида қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларацияси, 1994 йилнинг 7-10 июнь кунлари Испаниянинг Саламанка шаҳридаги яна бир Умумжаҳон Конференцияси иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилган “Саламанка баёноти ва Иш фаолият режаси”, 2000 йилнинг 26-28 апрель кунлари Таълим тўғрисидаги ҳалқаро Форум қатнашилари томонидан қабул қилинган “Таълим ҳамма учун-Дакар ҳаракат Дастури” асосида махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамиятнинг тўлақонли ва тенгҳуқуқли аъзоси эканлиги эътироф этилиб, улар таълимида алоҳида янгича ёндашув майдонга келди. Бу таълим тизимлари барча болаларнинг тили, дини, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, ирки, жисмоний ва руҳий ҳолатларидан қатъий назар талимга жалб этишни кўзлабчи “инклюзив” таълим номи билан аталди.

Инклюзив таълим 1996 йилдан буён Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди, натижада кўплаб назарий ва амалий ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Республикада инклюзив таълимни тарғибот-ташвиқот қилиш, ушбу таълим шаклининг самарадорлигини ошириш, умумтаълим педагогларига методик ёрдам кўрсатиш ишлари Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, нодавлат-нотижорат ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Ушбу “Имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш услублари” номли методик тавсия айнан умумтаълим мактаблари раҳбарияти, педагог ходимлари, малака ошириш институтлари тингловчилари педагогика олийгоҳлари талабалари ҳамда ота-оналар учун мўлжалланган бўлиб, унда аклий ривожланишида, кўришида ҳамда таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар билан инклюзив таълимда олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар, мактаб ички тартиб қоидаларини, синф-дарс жараёнини инклюзив таълимга мослаштириш йўллари бўйича тавсиялар берилган. Шунинг билан бирга қўлланмада инклюзив таълимни жаҳон мамлакатларида жорий қилиниш аҳволи, Ўзбекистон Республикасида бу таълим шаклини жорий этишда қўлга киритилган ютуқлар ва юзага келаётган муаммолар билан ҳам назарий жиҳатдан танишиш имконини беради.

I БОБ: ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ЖИҲАТДАН АСОСЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

1. Инклюзив таълим сиёсатининг жаҳон миқёсида ҳуқуқий-меъёрий, назарий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш босқичлари

Тарихий тараққиёт давомида махсус эҳтиёжли болаларга бўлган эътибор турли даврларда турлича кечган. Ишлаб чиқариш кучлари ҳали ривожланмаган, маданий ва маънавий қадриятлар шаклланмаган, инсон ҳаёти табиат кучларига боғлиқ бўлган дастлабки даврларда бундай шахслар жамият эътиборидан четда қолиб келган, ҳатто уларга нисбатан салбий муносабат ҳуқум сурган. Жамиятнинг иқтисодий

таракқиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси таълим, маданият, фан ва соғлиқни сақлаш ижтимоий онг ҳолати билан боғлиқ ҳолда турли даврларда атрофдагиларнинг камолотида жисмоний ёки рухий камчилиги мавжуд шахслар билан ўзаро муносабатлари турлича кўринишга эга бўлган. Бунда ҳар бир халқнинг миллий қадриятлари, дунёқараши, анъаналари, урф-одатлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Масалан қадимги Спарта (Греция)да жисмоний нуқсон билан туғилган бола жамият учун яроқсиз ҳисобланиб, ҳаётининг биринчи кунлариданок ўлимга маҳкум этилган.

Ўрта аср Оврўпасида эса феодализм инқирозга учраган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари эндигина шаклланиб келаётган, ҳаётда ижтимоий-иқтисодий омиллар етакчилик қилган бир даврда жисмоний ёки рухий камчилиги бор шахслар ижтимоий ҳаётдан бутунлай ажратиб қўйилган, уларга бир буюм сифатида муносабатда бўлиш ҳоллари тез-тез учраб турган.

Оддий халқнинг мислсиз эксплуатацияси эвазига катта моддий бойлик орттирган, аммо маънавий қашшоқ зодагон аристократлар табақаси бундай шахсларга бир эрмак сифатида қараганлар, ҳатто болаларни гўдаклигиданок азоблаб, жисмонан ногирон қилиб, зодагонлар кўнгилхушлиги учун уларга сотиш ҳоллари ҳам учраган.

Қадимги Римда ҳам худди шундай ҳолат юз берган: нуқсонли ва заиф туғилга гўдақларни ўлдирганлар. Уйғониш даври (XV-XVII асрлар)да инсон табиати, унинг рухий ҳолати ва фаолиятига нисбатан диний-схоластик ва ижтимоий чекланган худбин қарашларга қарама-қарши фарқли ўлароқ инсон тафаккурига ишонч, унинг жисмоний-рухий нуқсонлари, камчиликлар, салбий ҳатти-ҳаракатлари, гуноҳ ҳамда қилмишларига ҳайрихоҳлик билан қараш каби гуманистик ғоялар ўртасида кечган курашлар билан тавсифланади. Зеро, бу даврда Оврўпада фалсафий фикр, илм, фан ва моддий ҳаётда анча жонланиш юз берган эди. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европага араблар орқали кириб келган илғор Шарқ маданияти ва илм-фанининг ҳам катта таъсири бўлганлиги шубҳасиздир. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланиши Ғарбга тиббиётнинг кириб келишига замин яратди. Шу даврдан эътиборан Ғарб тиббиётида гуманистик тенденциялар юзага келди. Врачлар монастр ва қамоқхоналарга бориб у ерлардаги рухий касаллар устида кузатишлар олиб бордилар. Масалан, XVI асрда яшаган тиббиёт профессори Фаликс Платтер (1537-1614) Франциянинг Базель шаҳрида рухий касалликларнинг

таснифини амалга оширди. Олимнинг таснифи асосида инсон организмидаги турли аклий, рухий ва жисмоний бузилишларнинг тавсифи ётар эди. XIX асрнинг ўрталарига қадар Фарбда қатор психиатр, педагог ва амалиётчилар фаолиятида бола ривождаги камчиликларни аниқлаш, камчиликларнинг сабабларини топиш, уларга таълим-тарбия бериш борасидаги муаммолар ҳал этила бошлади. Натижада имконияти чекланган болалар учун махсус алоҳида таълим муассасалари очила бошлади.

“Жуда узоқ вақт давомида-, деб ёзади Н.Н.Малофеев- махсус ёрдамга мухтож болаларни умумтаълим муассасаларига нисбатан махсус сегрегацион таълим муассасаларида таълим тарбия бериш самарали деб ҳисобланиб келинди. XIX асрнинг 60-йилларига қадар жаҳон миқёсида дифференциал таълим муассасаларининг тармоғи интенсив тавишда ўсиб кўплаб давлатларда ҳатто 12-15 турдаги махсус муассасалар очилди. Масалан, Қозогистон, Россия ва Белгияда 8 турдаги, Нидерландияда эса 15 турдаги махсус муассасалар мавжуд. 1970-1980 йилларга келиб жаҳон миқёсида инсонпарварлик ва камситишларга йўл қўймаслик ғоясининг илгари сурилиши махсус эҳтиёжли болаларга эътиборнинг янада яхшиланишига олиб келди”. Аммо шундай бўлсада кўплаб имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар таълимдан четда қолиб келди.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да “Таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи” эканлиги алоҳида эътироф этилган.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлар экан, бу Декларациянинг барча бандлари махсус эҳтиёжли инсонларга ҳам тегишлидир.

Ногирон шахсларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш ва кафолатлаш мақсадида БМТ 1975 йилда “Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларацияни қабил қилди. Мазкур Декларацияда таъкидланишича: “Ногиронлар шахсиятини ҳурмат қилиш ҳуқуқи уларда туғилиши билан мавжуд бўлади. Ногиронликнинг келиб чиқиши, табиати ва жиддийлик даражасидан қатъий назар, фуқаро ўз ёшидаги тенгдошлари билан бир хил ҳуқуқларга эгадирларким, шу билан бирга улар мумкин қадар тўлақонли яхши ҳаёт кечириш ҳуқуқига ҳам эга” (“Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларация 3-модда).

“Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларациянинг мазмунидан шу нарсани тушиниш мумкинки, ногирон фуқаролар учун

жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш кафолатланади. Аммо мазкур Декларацияда ногирон болалар, уларнинг таълим олиш имкониятлари ва барча давлатлар томонидан имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш йўллари батафсил ёритилмаган.

Болалар ҳуқуқларини янада мустаҳкамроқ муҳофаза қилиш мақсадида БМТ 1989 йилда “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”ни қабул қилди. “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” болаларнинг ҳуқуқларини ҳамма жойда амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳалқаро шартнома ҳисобланади. У қарийб бутун жаҳон мамлакатлари томонидан радификация қилинган. Конвенцияни радификация қилган 191 мамлакат кўнгилли тарзда зиммаларига “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” қондаларини маъмурий қонунчилик, суд ва бошқа чора-тадбирлар ёрдамида ҳаётга тадбиқ этиш мажбуриятини олдилар.

“Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” комплекс ва унверсал характерда бўлиб, бу барча болалар учун инсон ҳуқуқларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий сингари жабҳаларни таъмин этадиган ягона Конвенциядир.

“Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мазкур Конвенциянинг 2-моддасида “Болалар уларнинг ота-оналари, боқувчиларининг ирқлари, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, соғлиғи, қандай ҳолатда тугилганликлари ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар камситишларга маҳкум этилмасилиги керак”-деб қатъий белгиланган. Демак, бу Конвенциядаги барча ҳуқуқлар махсус ёрдамга муҳтож болалар учун ҳам тегишли бўлиб, уларга барча болалар қатори тенг муносабатда бўлиш кафолатланади. Шундай экан, “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” махсус эҳтиёжли болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Айнан 28-модда “Таълим инсоннинг сиёсий ҳуқуқи”, деб номланган бўлиб, унда иштирокчи давлатлар барча болаларнинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар, ҳамда ана шу ҳуқуқни тенг имкониятлар асосида амалга оширишга аста секин эришиш мақсадида, бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этадилар,-дейилган. Ушбу модда махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳам таълим олишларини, улар учун ҳам таълимнинг мажбурий эканлигини кўрсатиб турибди.

“Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳам барча ҳуқуқларини кафолатлиб, “барча ҳуқуқлар барча болаларга” тамойилини эътироф этади.

Шунингдек, “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 23-бандида махсус эҳтиёжли болаларнинг таълим тарбияси хусусида қисқа ва аниқ қилиб қуйидагича таъкидланган: “Ногирон боланинг махсус эҳтиёжларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим”. Бу қоидадан шу нарса аён бўладики, махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши, маданиятга ҳамроҳанг бўлиб ўсиши, унинг бойликларидан, гузаллигидан баҳра олиб жамиятнинг ривожига ҳасса қўшишларининг аҳамияти жуда каттадир. Мана шундай имкониятларга эга этишда махсус таълим муассасаларининг таълим тизими ва мазмуни талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик нуқтаи назаридан жаҳондаги қўплаб мамлакатлар махсус-сегрегацион таълим тизимини инкор эта бошладилар.

Жуда қўплаб давлатларда махсус ёрдамга муҳтож болаларни юқори натижали камол топтиришда компенсатор имкониятларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий мослаштириш тўлалигича йўлга қўйиш мақсадида умумтаълим мактабларида таълим бериш илмий ва амалий давлат сиёсати режасига киритилди. Бунинг натижасида эса 1990 йилда Таиланднинг Джомътен шаҳрида ўта муҳим Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинди. “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларациясини дунёнинг 155та давлат ҳуқуматлари ва 150дан ортиқ нодавлат ташкилотлари қабул қилдилар. “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларацияси ҳар бир боланинг тўлақонли ва мукамал таълим олишини кафолатлади.

Ушбу Декларацияда қуйидагича баёнот қилинган: “Мактаблар болаларнинг имкониятига қараб эмас иш сифати ва мактаб таълимига жавоб бериши билан характерланади. Улар қуйидагилардан иборат:

-ҳар бир боланинг ҳуқуқи оммавий мактабда таълим-тарбия олишни талаб этади;

-ўқитишнинг метод ва методикалари боланинг нуқсонига қараб танланади;

-мактабда тўлалигича коррекцион педагогик ёрдам ташкил этилади;

-болалар тўғрисидаги қарор комплекс тарзда қабул қилинади;

-боланинг ҳар бир шахсий ҳуқуқи кафолатланади;
-мактабда интеграция тамойилига ўқув режанинг асоси сифатида қаралади;

-инклюзив мактабларнинг моддий таъминоти яхшиланади”.

“Таълим ҳамма учун ” мақсадларини амалга ошириш ва махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг тўлақонли мукамал таълим олишларини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 7-10 июнь кунларида халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан Испаниянинг Саламанка шаҳрида иккинчи йирик Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур Конференция “Саламанка Декларацияси ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимининг келгусида ижросини таъминлаш Рамкаси” деб аталиб, шу йили “Саламанка баёноти ва Иш фаолият Режаси” номи билан нашр этилди. Бу ҳужжатда ҳуқуқлар бўйича баёнотлар мазмунларини ёритувчи фикрлар баён этилган. Саламанка баёноти ва Иш фаолияти Режасининг асосий етакчи тамойили шундан иборатки, мактаблар барча болаларни, уларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар ўқишга қабул қилишлари лозим. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича:

“Ҳар бир бола таълим олиш ва ўзига мувофиқ даражада билимга эришиш ҳуқуқига эга:

- Маъриф тизими ва таълимий дастурлар турли хил хусусият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, шу ишга йўналтирилсин. Махсус ёрдамга муҳтож болалар учун оддий мактабларга бориш имконияти яратилсин;

- Махсус ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш оддий мактабларнинг иш фаолияти доирасига кирар экан, бу жараён куйидаги мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаси бўла олади:

- Ажратиб кўйиш иллатига қарши кураш;
- Дўстона инсонпарвар жамоаларни яратиш, ўз таркибига махсус эҳтиёжлари бўлган шахсларни олган жамиятни қуриш;
- Барча болаларнинг таълим олишига эришиш” (Саламанка баёноти 2-банд);

Юқоридагиларга кўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, оддий мактабларда болаларнинг кўп қисми самарали таълим бериш, умумий фаолиятнинг самарадорлигини оширади.

Саламанка Баёноти ва Иш фаолият режасида “Таълим ҳамма учун” шиори илгари суриламоқда. “Таълим ҳамма учун” шиори деганда ногирон бўлган ёки жамият ичида ажратиб кўйилган

гуруҳлардан келиб чиққан болаларнинг ҳам тенгҳуқуқлик асосида таълим олишлари тушунилади. Жумладан, Ҳаркат Режасининг 3-бандида шундай дейилади: “Мақтаблар жисмоний, ақлий, ижтимоий, эмоционал, тилидаги ёки бошқа нуқсонларидан қатъий назар ҳамма болаларни қабул қилиши керак. Уларга руҳий ва жисмоний нуқсонли бор болалар, бошпанасиз болалар, кўчманчи халқларга тегишли бўлган болалар, этник ёки маданий камчиликни ташкил топган оилаларнинг болалари киради” (Ҳаракат Режасига кириш 3-банд).

Саламанка Баёноти ва Иш фаолият Режасида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитида инклюзив таълим бериш лозимлиги алоҳида таъкидланиб, ҳар бир боланинг бошқаларникига ўхшамаган ўз эҳтиёжлари мавжудлиги, шунингдек, ҳар бир бола яшаш жойига яқин бўлган мактабга бориш ҳуқуқи мавжудлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Саламанка Баёноти ва Иш фаолият Режасининг ишлаб чиқиши жаҳон миқёсида “Таълим ҳамма учун” мазмунидаги таълим сиёсати илгари сурилиб, махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитида ўқитишнинг йўллари белгилаб берилди. Аммо бу таълим тизимининг мазмун-моҳиятини янада аниқроқ ва мустаҳкамроқ ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, қатъий белгилаб бериш лозим эди. Шунинг учун ҳам 2000 йилнинг 26-28 апрель кунлари Дакарда таълим тўғрисида халқаро Форум қатнашчилари томонидан “Дакар ҳаракат дастури” қабул қилинди. Форум қатнашчилари 10 йил олдин қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” Халқаро Декларация (Джомтъен-Таиланд-1990 йил) ни қайта тасдиқлаб, радификация қилдилар. Дакар ҳаракат дастури “2000 йилга қадар жаҳон миқёсида таълим ҳамма учун амалий фаолиятининг даражасини баҳолаш” мақсадига асосланган. Бу баҳолашда ҳар бир давлат ўзининг таълимни барча болалар учун тامينланганлик даражасини таҳлил қилиб чиқиш вазифаси топширилди. Таҳлил асосида ҳар бир давлат 6 та ҳудудий Конференцияларни ўтказиш давомида 1990-2000 йилларда эришган ютуқларини Джомтъенга етказиб туриш лозим деб белгиланди.

Дакар ҳаракат Рамкасига кирган барча давлатлар 2002 йилга қадар “Таълим ҳамма учун” режасини мукамал тузиб, 2015 йилга қадар бу таълим тизимини амалиётга тўлиқ жорий этишлари лозим деб топилди.

Ушбу ҳаракат Рамкаси таркибига кирувчи давлатларнинг барчаси “Ҳар бир инсонга ва ҳар бир жамиятга” шиори остида барча инсонлар ва болалар таълимини тўлақонли таъминлаш мажбуриятини оладилар.

Бу ҳаракат дастурида “Таълим хавсиз, сифатли, боланинг соғлиғини ҳимоя қилиб, мустаҳкамлайдиган, ҳамма учун бирдек, инклюзив тарзда ва барча зарурий ресурслар билан таъминланган бўлиши лозим. Ўқитувчилар савияси ва ўқув режалар “Таълим ҳамма учун” мақсадларига жавоб бериши керак”-деб белгиланган¹

Учинчи минг йиллик арафасида ўтказилган мазкур Дакар Умумжаҳон Конференциясида халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатларда эътироф этилган таълим олишдаги тенглик амалда кенг тадбиқ этилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Бу Декларация қуйидагича баёнот қилинди:

➤ Ҳар бир инсон: бола, ўсмир ва катталарнинг ҳар бири таълим олишлари шарт ва бу таълим унинг асосий ўқув имкониятларига эга бўлиши лозим;

➤ Нуксонли болаларнинг ўқув имкониятлари асосий ўринда туради. Барча нуқсонли болаларнинг нуқсонларини эрта аниқлаб таълимга жалб қилиш имкониятини топмоқ керак.²

Шундай қилиб, юқорида келтирилган барча ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, халаро форум Конференциялар асосида махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамиятнинг тўлақонли ва тенгҳуқуқли аъзоси эканлиги эътироф этилиб, улар таълимида алоҳида янгича ёндашув майдонган келганлиги маълум бўлди. Бу таълим тизимлари “Интеграцион” ҳамда “Инклюзив” таълим тизими деб аталди. Мазкур таълим тизимларининг мазмун-моҳияти қандай, улар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашлик жиҳатлари-чи, бу таълим тизимларини қандай қилиб жорий этиш мумкин? Қабилдаги ҳақли саволларга жавоб топиш учун назарий адабиётларни таҳлил этдик. Аввало, “Интеграция” ва “Инклюзив” сўзларининг изоҳини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

“Интеграция” тушунчаси инглиз тилидан олинган бўлиб, *itegrative*-қўшилувчи, бирлашувчи, *itegration*-қўшилиш, бирлашиш-деган маъноларни билдиради. Интеграцион таълимган жаҳон миқёсида турлича ёндашишлар мавжуд. “Интеграцион таълим бу-сегрегацион таълимнинг акси бўлиб, бунда махсус эҳтиёжли болалар умумтаълим муассасалари тизимига киритилади”-деб ёзган соҳа мутахассиси **Волфрен Бергер**. (1972 йил)

¹ «Дакарские рамки действий»-Франция 2000 йил, 20-21 бетлар.

² Сулейменова Р.А, Хакимжонова Г.А, “Зарубежный и отечественный опыт включения детей со специальным нуждами в общеобразовательный процесс проблемы и пути решения”-Олмота-2001, 19-бет

“Шуни қайд этиб ўтиш керакки, деб ёзади **Туре Йонсан**-интеграциянинг ёлғиз ўзи мақсад эмас, ногирон болани умумтаълим шароитга жойлаштириш интеграцияга қараб қўйилган биринчи кадамдир. Аммо бу таълим тизими болани ўрганиш орқали аниқланган эҳтиёжларни тула қондиришни талаб этувчи аниқ ресурслар ва олиб бориладиган ишлардан иборат аниқ режа асосида амалга оширилади”³.

Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion–уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, қамраб олмақ, қамраб олиш маъноларини билдиради) бу давлат сиёсати бўлиб, ногирон ва махсус эҳтиёжли болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар ва ўсмирларни ривожланишидаги нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар, оиланинг фаол иштирокида, хусусан боланинг эҳтиёжини қондиришга ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва умумтаълим тизимига тўлиқ қўшишни ифодаловчи таълим тизмидир.

Буюк Британиянинг “Болаларни қутқаринг” (“Save the children”-2002 йил) жамгармаси томонидан нашр этилган “Мақтаблар ҳамма учун” номли ўқув қўлланмада эса “Қўп ҳолларда инклюзив ва интеграцион тушунчалари бир хил маънода ишлатилади. Шунга қарамадан фалсафада ушбу тушунчалар орасида жуда катта фарқ мавжуд. Бу фарқларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

-интеграциялашган таълим махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим мактабига қатнаши (яъни диққат марказида айнан мактабга келиб кетиш туради);

-инклюзив таълим: махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим мактабларида самарали таълим тарбия олиши (яъни барча эътибор таълим сифатига қаратилади).

Бу иккала тушунча ўртасидаги тафовут янада тушунарлироқ баён этилган бўлиб, қуйидагича таъкидланади:

➤ **Интеграциялашган таълимда болага муаммо сифатида қаралади.**

Ногиронликнинг индивидуал ёки тиббий кўринишида бола мактабга ёки жамиятга мослашиши учун уни ўзгартириш ёки тиклаш керак, деб тахмин қилинади. Масалан, эшитишида нуқсони бўлган бола умумтаълим шароитига мослашиши учун эшитув аппаратида фойдаланиб гапиришни ўрганиши керак. Ўқитувчи ва меъёрда

³ Туре Йонсан “Инклюзив таълим”-Тошкент-ЮНЕСКО-2003 йил. 99-бет

ривожланишидаги боладан эса имо-ишора тилини ва мулоқотнинг бошқа шакллари ўрганиш талаб қилинмайди. Ўқишда эса муаммо бор. Бола стандарт талабларни бажариши керак. Акс ҳолда иккинчи йилга қолдирилади ёки мактабни тарк этишига тўғри келади.

➤ **Инклюзив таълим болани эмас таълим мазмунини ўзгартиришни тақозо қилади.**

Инклюзив таълимга ногиронликнинг ижтимоий кўринишининг ҳосиласи сифатида қараш мумкин. Ногиронликнинг ижтимоий модели барча болаларнинг индивидуал-психологик, ўзлаштириш хусусиятлари ҳар хиллигини ҳисобга олишни ва мактаб таълимини барча болаларнинг имкониятларига мослаштиришни назарда тутди. Лекин инклюзивлик-ҳамма болани бир хил қилиб қўйиш ёки “ассимиляция” эмас. Унинг моҳияти мослашувчанлик яъни, болаларнинг ҳар хил тезликда таълим олишини ҳисобга олиб ўқитувчидан ушбу жараённи қўллаб-қувватлаши учун билим ва кўникмалар талаб қилишдир⁴

Интеграцион ва инклюзивлик тушунчаларининг ўртасида умумийлик ҳам мавжудлиги ўганилди, бу умумийлик замирида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитига киритиш ётади.

2. Хорижий ва қўшни мамлакатларда инклюзив таълимни жорий қилиниш ҳолати

Жаҳон миқёсида жуда кўплаб давлатларда инклюзив таълим тизимини жорий қилиш борасида амалий тажрибалар олиб бориламоқда.

Италия, Норвегия, Швеция каби мамлакатлар алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига тўлиқ интеграциялаб, махсус коррекцион мактабларнинг ёпилишига эришдилар. Бироқ махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитига қабул қилган давлатлар жисмоний ва руҳий ривожланишидаги камчиликларни коррекциялаш ва компенсациялашга йўналтирилган қўшимча таълим хизматини кўрсатиш маъсулиятидан озод этилмайди.

АҚШ, Буюк Британия, Дания каби бир катор мамлакатларда мактаб турини танлаш қонун томонидан белгиланади, ота-оналар эса таълим турини танлашни ёзма равишда тасдиқлаши, айрим ҳолларда асослаб беришлари лозим, деб топилган.

⁴ “Мактаблар ҳамма учун”-2002 йил, 13-14 бетлар

Австрияда 1945 йилдан бошлаб ногирон болаларни дифференциал ўқитиш тизими ташкил этилган бўлиб, бу таълим тизимида барча турдаги нуқсонли болалар ўқитила бошлади. Аммо 1980 йилга келиб махсус эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари демократия ҳуқуқлари учун курашиб, фарзандларини умумтаълим муассасаларида ўқитилишини талаб қилиб чиқдилар.

Фолкер Руттенинг маълумотларига қараганда “Айни пайтда ихтисослаштирилган таълим соҳасида ишловчи педагоглар махсус эҳтиёжли болаларга сегрегация яъни, махсус таълим беришнинг афзалликларини шубҳа остига қўя бошладилар. 1983 йилда Австрия Таълим вазирлиги инклюзив таълим тизимининг моделини тузиш юзасидан тажриба лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилди. Бу таълим модели тўртта турга ажратилди:

❖ **Инклюзив синфлар**-умумтаълим мактабларига биттадан тўрттагача махсус эҳтиёжли ўқувчилар қабул қилинади. Битта махсус эҳтиёжли ўқувчи иккита соғлом боладек ҳисобланиб, синфдаги болаларнинг умумий сони қисқартирилади. Синфда иккита ўқитувчи ишлаб улардан бири махсус тайёргарликка эга бўлиб, болалар билан ҳафтасига 4 соатдан 6 соатгача коррекцион машғулотлар олиб боради. Махсус эҳтиёжли болалар индивидуал дастурлар асосида ўқитилади.

❖ **Ҳамкорлик қилувчи синфлар**-ихтисослаштирилган ва умумтаълим мактабларининг синф ўқитувчилари томонидан белгиланган ҳамкорликни амалда оширадилар.

❖ **Кичик комплектли махсус синфлар**- умумтаълим мактабларининг синфларида 6-11 та махсус эҳтиёжли ўқувчи жамланади ҳамда махсус ўқув режа ва дастурлар асосида ўқитилади.

❖ **Ёрдмчи ўқитувчилар**-оддий синфга 4 та ва ундан кўп махсус эҳтиёжли ўқувчилар жамланади ҳамда махсус ташхис қилиш ва коррекцион методикаларни қўллай оладиган ўқитувчи лавозими жорий этилади”.

1991 йилда педагогик тажриба-синов ва мактабларни ривожлантириш марказлари томонидан инклюзив синф модели энг самарали деб топилди. 1993 йилда эса Австрия ҳукумати махсус эҳтиёжли болалар ота-оналарининг махсус ёки умумий таълимни танлаш ҳуқуқини тасдиқловчи қонунни қабул қилди.

1979 йилда **Германияда** таълим тўғрисидаги мажлис катнашчилари томонидан махсус эҳтиёжли болаларни интеграция таълим тизимида ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепцияда интеграциянинг хилма хиллиги ва унинг мазмун-

моҳияти ёритиб берилди. Б.П.Пузанов ва Ю.А.Костенкова (1999 йил)ларнинг ёзишлари, 80 йилларга келиб Германия таълим тизимида интеграциялашнинг янги талқини ўқув маатриалини ўқувчилар имкониятларига мослаштириш ишлари амалга оширила бошлади.

Нидерландиянинг 28 та умумтаълим бошланғич мактабларининг таркибида нуқсонли болалар ҳам ўқитилади. Таълимий маслаҳат марказларида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш ва тарбиялаш йўллари, хусусиятлари ҳамда бу болалар ҳақида билиш ва маълумотлар бериш борасида бўлим фаолият юритган. Бу бўлимларда ўқув материаллари ва дастурларини янгилаш, интеграцион таълимнинг ягона ғоясини ишлаб чиқиш, бу таълим тизимидаги муаммоларни йўллари излаб топиш борасида иш юритилган.

“Латвияда-деб ёзади - Eljosiene I., (1998 йил). интеграцион таълимга муаммо сифатида қаралиб, Лиепайский олий педагогика мактаби дастурига киритилди. Бу ерда асосий муаммо интеграцион педагогикада ўқитувчилар билан махсус педагогика ўртасида ҳамкорлик муносабатларини яратиш эди”.

Литвада 1992 йил Маъориф Вазирининг ташаббуси билан махсус ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим тизимига интеграциялаш модели ишлаб чиқилишига тайёргарлик ишлари бошланди. Бу мақсадни амалга ошириш учун хорижий ва литвалик Вельнюский университетининг махсус педагогика лабораторияси қошига бу тузум ташаббускорларидан ишчилар, болалар, психиатрлар, психологлар, логопедлар ва педагог дефектологлардан иборат мутахассислар гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ томонидан “Махсус таълим тизимининг лойиҳаси” номи билан интеграцион таълим тизимининг бошланғич лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1993 йилда Литва маданият ва маъориф вазирлиги томонидан “Махсус эҳтиёжли болаларга умумтаълим муассасаларида ёрдам бериш (имкониятлари) тартиби” Қонуни тасдиқланди.

Швецарияда нуқсонли болаларнинг кўпчилиги умумтаълим муассасаларида таълим тарбия олишлари расм бўлган эди. Синфда 4 та ўқитувчи ишларди, 3 таси умумтаълим дастурида, қолган бир ўқитувчи эса махсус тайёргарликка эга бўлган дефектолог ўқитувчи эди. Ҳафтада бир марта бу ўқитувчилар ўзаро ҳамкорликдаги факультатив машғулотлар ўтказишарди. Шунингдек, махсус эҳтиёжли бола билан ишловчи мутахассис ўқитувчи ҳафтада бир марта ҳар бир ўқитувчи билан синфдаги муаммолар ва масалалар юзасидан

учрашарди. Бундай ўқитиш йўллари интеграцион гуруҳларда ўқитувчиларнинг фаолият юритишини энгиллаштириб, синфдаги ўқув сифатини оширарди. (Evansp.L., маълумотлари, 1995 йил).

Буюк Британия махсус муассасаларида таълим-тарбия олаётган оғир даражадаги нуқсонли болаларни интеграциялаш дастури ишлаб чиқилган эди. Қайси мактабда интеграцион таълим тизими жорий этилган бўлса, ўша мактабга махсус муассасаларда ўқитилаётган болаларнинг бир қисми қамраб олинди. Интеграция тизимини янада пухтароқ жорий этиш мақсадида ўйинлар, жисмоний тарбия, ракс ва бир қанча амалий машғулотлар киритилди (Evansp.L маълумотлари, 1996 йил).

Л. Реквейранинг ёзишича махсус эҳтиёжли болалар ва ўсмирларни **Нидерландияда** ижтимоий жамиятга тайёрлашда ижтимоий меҳнат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар, вазирликлар ва ҳудудлардаги ижтимоий меҳнат реабилитацияси Комитетлари амалга оширган. (1996 йил).

1979 йилда **Никарагуа** таълим Вазирлиги нуқсонли болаларни ўқитиш дастурини олиб боровчи махсус бўлим ташкил этди. Бундан ташқари нуқсонли болаларни ўқув имкониятларини ташхис қилиш маркази ва махсус муассасалар ҳужжатлари ахборот базаси юзасидан иш юритиш марказлари ҳам очилди. Мамлакатда оммавий мактаб системасида жуда кўплаб қийинчиликлар бўлиб, мактабга катнамайдиган болаларнинг сони жуда юкори эди. Нуқсонли болалар таълими махсус сегрегацион ва оммавий мактабларда интеграцион синфлар шаклида ташкил этилган. Махсус мактабларда фақат оғир нуқсонли болалар ўқитиларди.

1981 йилда ЮНИСЕФнинг **Швеция** ҳукуматидаги ташкилотида б ёшгача бўлган нуқсонли болаларни неформал ўқитиш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида нуқсонли болаларни оммавий муассасаларда ўқитиш тизими, бу болаларнинг ота-оналар билан ишлаш методикаси ишлаб чиқилиб, Никарагуада ҳам қўлланила бошлади...(1995 йил).

Тинч Океани ҳудудларидаги мамлакатлар ҳақидаги маълумотларини йиғиш шуни маълум қиладики, бу мамлакатларда махсус эҳтиёжли болаларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича кўплаб дастур ва режалар, лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жумладан:

Хитойда интеграциялаш жараёни барча умуммиллат маълумотларини йиғиш, тажриба алмашиш, мулоқот ва фикр алмашиш, кадрларни тайёрлаш, мактаб ўқув жараёнларини ислох

қилиш, мактаб ходимлари билан учрашув ва савол жавоблар ўтказиш ҳамда барча ахборотларни йигиб таҳлил қилишдан бошланди. Нуқсонли болалар таълими Хитой таълим тизимида бирмунча янги эди. Ҳар бир туманда интеграцион таълим борасида семинарлар уюштирилди. 8 та ўқув семинарида 1000дан ортиқ кишилар иштирок этдилар. Бир қанча педдагогика институтларида “Нуқсонли болалар таълими” номли ўқув курслари ўтила бошлади. (Ainscov M., ва бошқалар 1996 йил).

Хитойнинг таълим бўйича миллий тадқиқот Институту ЮНЕСКОнинг мақсадли грант маблағлари ёрдамида алоҳида эҳтиёжли болалар таълимини қўллаб-қувватлаш мақсадида WEB ресурс марказини ташкил этиш бўйича инновация дастурини ишлаб чиқди. Бу ресурс марказнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Алоҳида эҳтиёжли болалар ва ёшларни таълим тизимига киритишда маълумотларни олиш бўйича ресурсларни аниқлаш;
- Махсус эҳтиёжли шахслар билан алоқа ўрнатиш;
- Маълумотлар банкида турли таълимий ва ривожлантирувчи материалларни тўплаш;

- Internet тизими орқали мутахассислар маслаҳатини уюштириш;

- WEB ресурс маркази фойдаланувчилари орасида тажриба ва билимлар алмашишни ташкил қилиш;

- Интеграция муаммоларини ҳал қилиш воситаларини излаш.

Чет давлатлар билан бу борадаги ҳамкорлик учун имкониятлар яратиш (Юнйинг Чен, маълумотлари 2000 йил).

Шундай қилиб Хитойда Internet тизимидаги электрон ресурс марказ орқали мутахассисларнинг билим ва малакаларидан фойдаланган ҳолда бутун мамлакат ҳудудидаги алоҳида эҳтиёжли болалар ва шахсларнинг таълим олиш талабини қондириш имконияти пайдо бўлди. Мазкур дастур махсус эҳтиёжли болаларни таълим жараёнига киритиш бўйича бошқа чора-тадбирларга қўшимча ёрдам сифатида қўлланилади. Айрим ҳолларда эса таълим бериш ва ривожлантириш имконини берувчи ягона восита бўлиб қолди.

Ҳиндистонда нуқсонли болаларга оммавий муассасаларда таълим тарбия бериш бўйича Давлат Дастури ишлаб чиқилди. ЮНИСЕФнинг ҳамкорлиги асосида тузилган “Нуқсонли болаларнинг интеграцион таълим лойиҳаси” бўйича иш олиб борила бошлади. Бу лойиҳа Ҳиндистон ҳукумати сиёсати ва этник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тузилган (Ainscov M. Ва бошқалар, 1996 йил).

Лаосда барча болаларнинг таълим олишини таъминлаш ва уларнинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий вазифаси ҳисобланади. 1993 йилда қизлар ва нуқсонли болалар таълимини таъминлаш дастури иш бошлади. Дастурнинг ҳар бир иштирокчиси жойларда лойиҳа мазмунини тарғибот қилади, инклюзив таълим тизими борасида тренинглар уюштириб, мутахассисларни тайёрлайди, дея маълумот берилган ЮНЕСКО 1996 йилги халқаро ҳисоботида.

Таиландда оғир ва ўрта даражадаги нуқсонли болаларни оммавий мактабларга қабул қилиш, ўқитишга ва бунга ўқитувчи-мутахассисларни тайёрлашга оид ўқув лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Раджбатандаги Суан Дисит институтида ўтказилган иккита Конференциядан сўнг инклюзив мактабларнинг 3 та йўналишидаги концепцияси ишлаб чиқилди.

Биринчи йўналиш кўшимча гуруҳ бўлиб у администраторлар, ўқитувчилар ва ота-оналардан ташкил топган.

Иккинчи йўналиш оғир ва ўрта даражадаги нуқсонли ва соғлом болаларни оммавий синфларда ўқитишни ташкиллаштирувчи ўқитувчилар ва ота-оналар;

Учинчи йўналиш-синфлар учун индивидуал режаларни ишлаб чиқишди қўллаб-қувватловчи администраторлар, ўқитувчи волонтерлар (ЮНЕСКО ҳисоботи, 1996 йил).

Ветнамдаги инклюзив таълим тизимини ўрганиш шуни маълум қиладики, бу ерда иккита ҳолат кузатилади. Таълим вазирлиги томонидан Давлат фан ва таълим институтида махсус эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълимнинг самарали натижаларини аниқлаш учун иш олиб борди (ЮНЕСКО ҳисоботи, 1996 йил).

Испания ҳукумати томонидан 1985 йилда ривожланишида камчилиги бўлган болаларни таълим соҳасида интеграция қилишни назарда тутадиган лойиҳани маълум қилди. Лойиҳа 8 йиллик муддатга мўлжалланиб, унда иккита мақсад кўзланади:

1). Махсус муассасаларда таълим олаётган болаларни умумтаълим мактабларига қабул қилиш учун имконият яратиш;

2). Соғлом ва махсус эҳтиёжли болаларни сифатли таълим-тарбия олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Испания таълим вазирлиги лойиҳани бажариш мақсадида ихтиёрий интеграция дастурини жорий этилиши ҳақида қарор қабул қилди. Лойиҳада иштирок этиш истагида мактаб ва Вазирлик ўртасида ўзаро келишув шартномаси тузилди.

Лойиҳа бошланиши билан (1985-86 йиллар) Испаниянинг 300 га яқин мактаблари ҳар йили интеграция дастурида ихтиёрий қатнашиш истагида талабнома бердилар. 1990 йилда Испания парламенти томонидан таълим тизими тўғрисидаги янги умумий қонун қабул қилинди. Қонунда умумий таълим тизимида барча ўқувчилар учун юқори сифатли таълим олишлари кафолатланди. 1994 йилнинг бошида Испанияда бошланғич мактабларнинг 40%ида инклюзив таълим тизими жорий қилинди.

Россияда махсус таълим иккита йўналишада: дифференциал ва интеграция тарзда ташкил этилган. Дифференциал таълим 8 йўналишни ўз ичига олади. Охириги пайтларда Москва, Санкт-Петербург ва бошқа Россиянинг бир қатор шаҳарларида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш борасида илмий изланишлар ва психолого-педагогик амалий ишлар олиб борила бошлади.

Россияда интеграция модели асосида умумтаълим муассасаларида махсус синфлар ташкил этилган бўлиб, улар қуйидагича:

-аклий ривожланишида орқада қолган болалар учун гуруҳлар ва синфлар;

-рухий ривожланиши сустлашган болалар учун гуруҳ ва синфлар;

-хулқи оғир болалар учун гуруҳ ва синфлар.

Л.М.Шипцинининг берган маълумотларига кўра Россияда ҳозирги кунда 38 % имконияти чекланган болалар умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия олмақдалар.

Озарбайжонда 1998 йилда Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни Радификация қилди ва 2001 йилда эса “Махсус таълим тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди.

2002 йилга келиб эса инклюзив таълим борасидаги лойиҳалар фаолияти 10 дан ортқ қонуний ҳужжатлар ва лойиҳалар ишлиб чиқилди. Инклюзив таълимни ривожлантиришнинг Миллий дастур режаси 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисми инклюзив таълим борасидаги лойиҳалар фаолияти, 2-қисмини эса инклюзив таълим моддий техник асосини яхшилаш масалалари ташкил қилади. У.Т.Микаилова (ННТ “Таълимда иновациялар маркази” раҳбари)нинг берган маълумотларига кўра Озарбойжонда бугунги кунга қадар 100 дан ортқ махсус эҳтиёжли болалар 14 та мактабгача таълим 14 та бошланғич таълим муассасаларида инклюзив таълим шароитида ўқитилмоқда.

Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш борасида кўшни ҳамдўстлик Давлатларида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаётганлигини таҳлил қилдик:

Қирғизистонда инклюзив таълимнинг ривожини давлат қарамоғидаги мактаблар ва нодавлат ўқув муассасалари базасига киритилган. Мутахассислар томонидан умумтаълим муассасаларига нуқсонли таълим олишга имконият мавжуд бўлган болалар қабул қилиниб ўқитила бошлади. Қирғизистонда бу борада ўқитувчилар, ота-оналар, Вазирликлар ходимлари ва Республика бўйича тегишли вакиллар иштирокидаги Республика 3 та йирик семинар Конференцияси ўтказилди. (Г.Алчиева, 2000 йил).

Қозоғистонда 2003 йилда “Махсус эҳтиёжли болаларни коррекцион ижтимоий ва тиббий-педагогик қўллаб-қувватлаш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун асосида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия бериш, коррекцион педагогик иш олиб бориш мақсадида реабилитацион марказлар, психолого-педагогик коррекция хоналари, махсус мактаб ва мактабгача таълим муассасалари қошида қисқа муддатли (синфлар) гуруҳлар ташкил этилди.

Инклюзив мактабларга кадрларни тайёрлаш учун олий таълимга “Махсус педагогика”, “Махсус психология” ва “Махсус методика” курслари киритилди.

Хорижий давлатларда инклюзив таълим тизимининг жорий қилинишда кўплаб ютуқларга эришилган бўлсада, аммо бу таълимни жорий қилишда ва самарадорлигини оширишда қуйидаги муаммолар ва камчиликлар кузатилмоқда:

- Ота-оналар учун инклюзив таълим бўйича ўқув қўлланмаларнинг етарлича эмаслиги;
- Кўплаб давлатларда инклюзив таълимни жорий этиш масаласи давлат норматив ҳужжатларида қайд қилинмаганлиги;
- Ногирон болаларга нисбатан жамиятдаги салбий муносабат;
- Махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳамжамиятда кўринмаслик муаммоси;
- Махсус эҳтиёжли болаларнинг мактабда кўринмаслик муаммоси;
- Моддий маблағ муаммолари;
- Таълим муассасаларини имконияти чекланган болаларга мослаштириш;
- Синфларда ўқувчилар сонининг кўплиги;

- Камбағаллик муаммлари;
- Болаларни жинсий тафовутларга қараб камситиш;
- Махсус эҳтиёжли болаларнинг бошқаларга қарамлиги;
- Фавқулодда вазиятлар, можаролар, қочоқлар;
- ❖ Кадрлар масаласидаги муаммолар. (Мақтаблар ҳамма учун-Save the children-2002 йил)

Ҳақли савол туғилади, нима учун махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим тизимига жалб этиш керак? Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиб, инклюзив таълим тизимига ўтишга қандай зарурият бор? Дарҳақиқат, бу таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш осон кечмайди. Аммо бу таълим тизимининг қуйидаги нафли жиҳатларини ҳам қайд этиб ўтиш лозим:

- ❖ Инклюзив таълим қашшоқлик ва ажратиш исканжасидан қутулишга имкон беради;
- ❖ Инклюзив таълим махсус эҳтиёжли боланинг ўз оиласи ва жамият даврасида бўлишга имкон беради;
- ❖ Инклюзив таълим барча учун таълим сифатини яхшилайти;
- ❖ Камситишларни олдини олади;
- ❖ Инклюзив таълим янада инклюзивликка олиб келади.

3. Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим муаммосининг илгари сурилиши ва унинг ечимлари

Давлатимизнинг устувор сиёсати ёш авлодни ақлан теран, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама ривожланган комил инсон қилиб вояга етказишдан иборат. Жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим тарбия бериш, касб-ҳунарга йўллаш, соғлом болалар қатори ўрин олиб, ўз қобилияти ва имкониятларидан фойдалана оладиган инсон қилиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг бир бўлиги бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (1991 йил 18 ноябрь), “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил), “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1997 йил), “Келажак авлод саломатлиги учун” Давлат дастурларида (2000 йил), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган “Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ҳақидаги Қарори, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 ноябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”да соғлом авлод тарбиясига давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа сифатида қараш лозимлиги кўрсатилган.

“Ўзбекистон Республикаси ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябр № 422-ХII Қонуни”нинг 2-моддасида “Ногиронлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа Қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб, қуйидаги барча ижтимоий, иқтисодий, ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Ногиронларни камситиш таъқиқланади ва қонунга мувофиқ жазоланади” деб қатъий белгиланган. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури”да энг аввало, ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни тиббий, ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг яшаш муҳитини яхшилаш ва соғломлаштириш, эрта ташхисни йўлга қўйиш, таълим-тарбия бериш ва коррекцион педагогик иш олиб бориш, касб-ҳунарга йўналтириш, ногиронлар билан коррекцион-педагогик даволовчи ишлар олиб бориш учун учун кадрлар тайёрлаш масалалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни жорий қилиш ишлари дастлаб 1996 йилнинг ноябрь ойида БМТнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси ташаббуси асосида Тошкентда “Махсус таълим соҳасида инклюзив усуллар” мавзусида Халқ Таълими Вазирлиги, Республика таълим маркази билан ҳамкорликда Республика семинари ўтказилиши билан амалга оширила бошлади.

1998 йилнинг октябр ойида яна халқаро ЮНЕСКО ташаббуси билан Бухоро шаҳрида йирик Конференция ўтказилганлиги аниқланди. Конференция алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаш, реабилитация қилиш, таълимга жалб қилиш, моддий, техникавий ёрдамларни ташкил қилиш ва уларни тўлақонли жамиятга мослаштиришга оид турли ташкилий услубий ишларни амалга оширишда Марказий Осиёда кўп тармоқли алоқалар ўрнатиш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси ХТВ ва унинг тасарруфидаги турли маъмурий ташкилот вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз тажрибалари билан фикр алмашдилар ва

республикада ушбу муаммони ҳал қилиш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу боис Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга мухтож болаларни тўлақонли махсус таълимга жалб қилиш ва интеграция усулида таълим олиш 2001-2002 йилларда бирмунча фаоллашган. Бунга асос Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, “Оперейшен Мерси”, “Мерси Прожект” нодавлат халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи миллий ташкилотлари, жумладан “УМР”, “Зиё”, “Имкон”, “Ҳаёт”, “Умидворлик”, “Ёруғлик”, “Мурувват”(Самарқанд), “Мезон”, “Меҳригиё”, “ШАНС”, “Нихол”, “Коррекцион педагогик Реабилитация маркази” кабилар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар бўйича амалга ошириб келинган ишлар, чора – тадбирлардир.

2000 йилнинг 5-6 май кунлари “Таълим ҳамма учун миллий ҳаракат дастури”ни ишлаб чиқиш ва бу ҳақида тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика таълим маркази ҳамкорлигида “Ижтимоий ночор болаларга кўмак беришнинг самарали усуллари ва шакллари” деб ном олган Халқаро Форум Конференцияси ўтказилди. Мазкур форумда кўрилган асосий масала “Таълим ҳамма учун” миллий режасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда инклюзив таълим ресурс марказини ташкил этишдан иборат бўлди.

Шундан сўнг Республика таълим маркази ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда 2001 йилнинг июнь “Инклюзив таълим” мавзусида семинар ўтказиб, унинг тавсияларига асосан Республика Таълим Маркази Махсус таълим бўлими қошида “Инклюзив таълим ресурс маркази” ташкил этилди. “Инклюзив таълим ресурс маркази”нинг Низоми асосида Ресурс марказ қуйидаги вазифаларни ҳал этиши белгиланди:

-таълимга жалб этилмаган имконияти чекланган болалар таълимини ташкил этишга кўмаклашиш;

-инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув методик мажмуалар билан таъминлаш;

-жойлардаги ресурс марказларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

-имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарига фарзандларини тарбиялаш, мактабга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид турли шаклдаги тадбирларни ташкил этиш, маслаҳатлар бериш;

-имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синфлар ва гуруҳлар ташкил этиш, таълимни интеграция асосида олиб бориш кабилар.

Республикамизда инклюзив таълимни жорий қилиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш айниқса 2001 йилга келиб жадал суръатда амалга оширила бошлади. 2001 йил 21-23 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Алохида ёрдамга мухтож болаларни маънавий ва эстетик тарбиялаш” мавзусидаги халқаро конференцияда турли хорижий мамлакатлар, Қозоғистон, Россия, хорижий давлатларнинг експертлари катнашиб, ўз фикр-мулохазалари билан ўртоқлашадилар. Конференцияда катнашган шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқарма вакиллари, “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат вазирлиги”, “Соғлиқни сақлаш вазирлиги” мутахассислари, Олий таълим профессор ўқитувчилари, малака ошириш институтлари ходимлари, нодавлат жамоат ташкилотлари, ногирон болалари бўлган ота-оналар, матбуот ва ахборот воситалари ходимлари қатнашиб инклюзив таълим борасида ҳозирги кунда вужудга келаётган муаммолар устида тўхталиб, баҳс-мунозара юритдилар. Бу конференцияда имконияти чекланган болаларнинг қобилиятлари, меҳнат натижалари, санъат, спортда эришган ютуқлари ва маҳоратлари намойиш этилди. Унинг таҳлили шуни кўрсатдики алохида ёрдамга мухтож болаларни инклюзив таълим тизимида таълим олиши уларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши яна бир бор экспертлар томонидан қайд этилди”-деб ёзади Р.Шомахмудова.

Бундан ташқари, Р.Шомахмудованинг маълумотлари инклюзив таълим концепциясини Ўзбекистонда жорий қилиш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида турли хил чора-тадбирлар уюштириш, матбуот-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари бир мунча фаоллашди.

2002 йил 18 февралидан бошлаб имконияти чекланган болалар таълими муаммоларини ҳал этиш учун Ресурс марказ ва ижтимоий нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик мажлислари бошланди. Унинг таркибини:

- Соғлиқни Сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Халқ Таълими вазирликлари вакиллари;

- халқаро ташкилотлари ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, “Мерси Прожект”, “Оперейшн Мерси”, “Болаларни кутқаринг”, Болалар кулгуси вакиллари;

- ННО вакиллари ташкил этдилар.

Мазкур Кординацион мажлислар 2002 йилнинг 11 апрел, 27 май, 8 ноябр кунлари, 2003 йилнинг 2 май, 5 октябр кунлари, 2004 йилнинг 27 март, 29 ноябр кунлари, 2005 йилнинг 16 феврал, 4 май, 12 декабр кунлари, 2006 йилнинг 16 феврал кунлари бўлиб ўтди.

2002 йилнинг март ойида эса “Каунтерпарт Концоциум” ва нодавлат ташкилотлар (“СКИДИФ”, “УМР”, “Камолот Қонун” ва бошқалар билан биргаликда “Ижтимоий эҳтиёжларни баҳолаш” мавзусида Айлана стол мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисда кўрилга бош масалалардан бири махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизимига киритиш эди. (Ресурс марказ ҳисоботи).

2002 йилнинг 7 май куни эса халқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, “Мерси Прожект”, “Оперейшн Мерси”, “Болаларни кутқаринг”, “Болалар кулгуси”) давлат ва нодавлат ташкилотлар иштирокида инклюзив таълим Концепциясини жорий қилиш масалалари хусусида яна бир Айлана стол ўтказилди. 8 ноябрида ўтказилган Айлана столдан кўзланган мақсад эса инклюзив таълим тизимини жорий қилишда ота-оналар ва маҳаллалар иштирокини фаоллаштиришдан иборат.

2002 йилнинг 11-14 ноябрь кунлари давомида эса Тошкент ва Хива шаҳарларида Республика ҳамда ҳудудий семинарлар бўлиб ўтди.

«Инклюзив таълимни жорий этиш борасидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида-деб ёзади Р.Шомахмудова 2003 йилнинг октябр ойида инклюзив таълим бўйича ўтказилган Республика семинарида халқаро ташкилотлари вакиллари, хорижий давлатлар экспертлари, мутахассислар, олимлар, Халқ таълими вазирлиги, жойлардиги вилоят Халқ таълими бошқармалари ва бўлимларининг таълимга масъул вакиллари, Ташхис марказ раҳбарлари, умумий ва махсус таълим педагог раҳбарлари, жамоат ташкилотлар вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар. Мазкур семинарда ижтимоий ташкилотлар (“Шанс”, “Зиё”, “Фалак Нури” ва бошқалар) томонидан инклюзив таълим тизимининг Ўзбекистонда жорий қилинишини намойиш этилди».

Натижада 2003 йил 2 март куни “Таълим ҳамма учун” дастурининг Миллий режаси ишлаб чиқилди. “Таълим ҳамма учун”

дастурининг Миллий режаси ЮНЕСКОнинг маслаҳатлари ва моддий кўмаги билан 2000 йилги Дакар шартномаларига мос бўлиб, сиёсатчилар, таълим тизими, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, педагоглар, жамоат арбоблари, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш муаммолари билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжалланган. Мазкур режада Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури –“Таълим ҳамма учун” Миллий Режасининг концептуал ўзаги асосида ислоҳ этиш муаммолари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Шунингдек ЮНЕСКОнинг “Таълим ҳамма учун” лойиҳасида баён этилган мезонларга мувофиқ таълим соҳасидаги муаммолар Режада алоҳидаи ёритилди.

2005 йилга келиб инклюзив таълим тизимига бўлган давлат сиёсатининг эътибори янада кучайди.

2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруги билан «Имконияти чекланган болалалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»и тасдиқланди. Ушбу Низомда инклюзив таълим тизимининг мақсад, вазифалари белгилаб берилган. Унда қайд қилинишича, имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар кўйидаги тартибда инклюзив таълимга қамраб олинади:

- руҳий ривожланиши сустлашган;
- ҳаракат мувозанати бузилган;
- ўз-ўзига хизмат қила оладиган дебиллик даражасидаги олигофрен болалар ва ўсмирлар;
- нутқида нуқсони бўлган (мулоқоти чекланмайдиган даражадаги) болалар;
- заиф кўрувчи болалар ва ўсмирлар;
- заиф эшитувчи ва кеч (5 ёшдан кейин)кар бўлган болалар;
- кўзи ожиз (Брайл ёзуви ва ўқишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар;
- кар (мулоқот даражасида нутқи бўлган, ўқиш ва ёзишна эгаллаган) болалар ва ўсмирлар.

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»нинг 4-бандида инклюзив таълим тизимида ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш масалалари баён этилди.

Шунингдек, мазкур Низомда инклюзив таълим иштирокчилари, инклюзив таълим мутахассисларининг ота-оналар ёки бошқа қонуний

вакиллар билан ҳамкорлиги, халқаро ҳамкорликда қатнашиш хусусиятлари батафсил баён этилган.

“Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим муваққат Низоми” асосида Республикамизда инклюзив таълим тизимининг куйидаги ҳуқуқий-ижтимоий асослари яратилди:

- болани ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ёши, жинси ирки, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддасига асосан барча болалар умумтаълим жараёнига киритиш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш лозимлиги белгиланган;

- ҳар бир бола ўзининг қизиқиши қобилияти, ва эҳтиёжига кўра мос равишда билим олиши ҳуқуқига эга;

- таълим дастурини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ўзига хослик ва эҳтиёжларнинг турли-туманлигини назарда тутиш;

- ҳар бир бола тенгдошлар қатори билим олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

- болани таълимга эмас, балки таълимни боланинг эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

- болани муҳтожлиги ва имкониятини эътиборга олган ҳолда таълим методини, ўқув режаларни ихчам бўлишини қўллаб-қувватлаш ҳамда баҳолаш;

- инклюзив таълим муаммони болада эмас, тизимда эканлигини аниқлайди, болага қулай шарт-шароит яратишни таъминлайди;

- болани шахсий эҳтиёжига қараб коррекцион-педагогик ва ижтимоий ёрдамни ташкил қилади ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда бу таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 2005 йилнинг 14-15 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида “Таълим ҳамма учун” Миллий дастурини жорий қилиш босқичлари” мавзусида йирик халқаро Конференция ўтқизилди. Ушбу конференцияда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналарининг вакиллари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. ЮНИСЕФ ташкилоти вакили Реза Хоссейн, ЮНЕСКО ташкилоти вакили Барри Лейн, “Мерси Прожект”, “Оперейшн Мерси”, Коста Рика давлатлари халқаро вакиллари шулар жумласидандир.

“Таълим ҳамма учун” Миллий дастурини жорий қилиш босқичлари” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция материалларида Конференциянинг вазифалари қуйидагилардан иборатлиги аниқланди:

- “Таълим ҳамма учун” Умуммиллий дастурининг моҳиятини тарғибот қилиш;

- Республикада имконияти чекланган болалар инклюзив таълимни ташкил этиш бўйича меъёрий методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- имконияти чекланган болаларни эрта ташхис қилишнинг замонавий услубларни муҳофама қилиш;

- психолого-тиббий-педагогик комиссия, Ташхис марказлари, психологик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш;

- Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазарлиги тасарруфидаги ташкилотларнинг имконияти чекланган болаларни аниқлаш ҳисобга олиш, даволаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини жонлантириш;

- имконияти чекланган болаларга таълим бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

- инклюзив таълим жараёнида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш йўллари билан таништириш .

Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим тизимида таълим олишини янада такомиллаштириш, амалиётда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал қилиш масалалари юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- коррекцион таълим тизими ва мазмунини сифат жиҳатдан янгилаш;

- Республиканинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тўлиқ интеграцияга амал қилиш;

- давлат норматив ҳужжатларига инклюзив таълимни жорий этиш бўйича қўшимчалар киритиш ёки тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- таълим муассасалари биноларини уларга мос равишда реконструкция қилиш;

- умумтаълим тизимида таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар учун зарурий моддий техник баъзани яратиш;

- инклюзив таълимни ташаббускорлик, меҳр-мурувват тарзида ташкил этиш;

- мактабнинг иш фаолиятига инклюзив таълимни амалга ошириш борасида ўзгаришлар киритиш;

- умумтаълим муассаса педагоглари инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш;

- барча педагогика олийгоҳларида ва ўрта махсус ўқув юртлирида коррекцион педагогик курсларни киритилиши;

- коррекцион Давлат таълим талаблари ва дастурларни имконияти чекланган боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштириширилган, ишлаб чиқиш;

- умумтаълим, махсус мактаб педагоглари, ота-оналар учун ўқув методик ва илмий оммабоп, ихчам турдаги ўқув адабиётлар ва индивидуал дастурлар яратиш;

- ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш ва коррекцион педагогик ёрдам бериш;

- имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимида умумий ва коррекцион таълим олишини илмий асослари, стандарт талаблар, ўқув методик мажмуаларни яратиш ва таъминлаш;

- касб-хунарга ўргатиш, реабилитация қилиш ва бу ишда оилани бевосита иштирокини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалаларни келажакда кенг қамровли бажариш учун давлат тасарруфида мувофиқлаштирувчи илмий-педагогик ресурс маркази, бошқарма, илмий лабораториялар ташкил қилиш каби ташкилий, илмий-услубий, амалий ишларни бажариш инклюзив таълимни жорий қилиш муваффақиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим тизимининг назарий асосларини ўрганиш билан бир қаторда кўзга кўринарли амалий ишлар ҳам олиб борилмоқда.

Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш Республикамининг айрим вилоятларида, жумладан Фарғона, Андижон, Хоразм, Тошкент вилоятида тажриба-синов ишлари бошланган бўлиб, бу ишларни амалга оширишда нодавлат жамоалар, хорижий ташкилотлар ташаббус кўрсатмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ва Халқ таълим Вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларида инклюзив-коррекцион таълимнинг таянч пунктлари ташкил этилди. Улар алоҳида ёрдамга мухтож болалар таълими билан шуғилланувчи, "Инклюзив таълим" дастурини амалга оширувчи ягона пунктлар

хисобланади. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри махсус эҳтиёжга эга бўлган болаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш “Зиё” маркази умумтаълим мактабларига имконияти чекланган болаларни жалб этиш ЮНЕСКО лойиҳаси асосида 2004 йил ўз фаолиятини бошлади. Синов - тажриба майдонлари учун Фарғона вилояти Қўқон ва Марғилон шаҳридаги 4, 5-сонли акли заиф болалар, 9-сонли заиф кўрувчи болалар махсус мактаб интернатларида, 64-сонли фалаж болалар боғча мажмуаси, 39-сонли нутқида нуқсони бўлган болалар боғчаси, 1,9-сонли умумтаълим мактаблари, Андижон вилояти 5, 31 - сонли умумтаълим мактаблари танланди. Танланган умумтаълим муассасаларига 10 дан ортиқ махсус эҳтиёжли болалар жалб этилди.

Бундан ташқари халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг “Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш” лойиҳаси асосида А.Авлоний номидаги ХТҲМОКТМИ махсус таълим кафедраси мудири У.Файзиева бошчилигида РТМ махсус таълими бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятларида ва Қорқарпоғитон Республикасида бўлиб, имконияти чекланган таълимдан четда қолган ногирон болаларни аниқлаш ва уларни таълимга жалб қилиш мақсадида оилаларга, ташхис марказларига, ХТБларда бўлиб, болаларни таълим тизимига киритиш масалалари ва улар учун шарт-шароитлар яратишга оид муаммолар устида тўхталиб ўтиб, умумтаълим педагоглари ва ота оналар учун тренинг-семинарлар ўтказдилар. (2005-2006 йиллар)

“Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш” лойиҳаси асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

- 300 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчилари инклюзив таълим борасида ўқитилди;

- 80 дан ортиқ ота-оналар инклюзив таълимнинг асослари ва ногиронлик сабаблари хусусида маълумот ва билимга эга бўлдилар;

- 3 та методик тавсия ишлаб чиқилиб, улардан бири “Инклюзив таълим асосида болага дўстона муносабатни шакллантириш” масалалари хусусида;

- Семинарда иштирок этган 330та ўқитувчи ва жойлардаги “Ташхис” марказлари раҳбарлари ёрдами билан 558 та таълимдан четда қолган яъни уйда яқка тартибда таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар таълим тизимига киритилди.

Лойиҳа асосида юқоридагилардан ташқари қуйидаги чора-тадбирлар ҳам кўрилди:

-711 нафар махсус эҳтиёжли боланинг оиласи, уй шароити, нуксонининг келиб чиқиш сабаблари бевосита оила шароитида ўрганилди. Ота-оналарга ногирон фарзанларига уй шароитида мактабга тайёрлаш, таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича маслахатлар берилди;

-200 нафар болага умумтаълим мактабларида;

-58 нафар болага мактабгача таълим муассасаларига инклюзив таълим шароитида ўқиш тавсия қилинди;

-90 нафар болага қисман интеграция тавсия қилинди;

-100 дан ортиқ болалар мактаб узоқдалиги сабабли уйда яққа тартибдаги таълимда қолдирилди.

Сегрегацион-ёпиқ тарзида ўқитилган махсус эҳтиёжли болалар ижтимоий ҳаётга мослашишларида жуда кўплаб қийинчиликларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам жаҳон миқёсида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш асосида тенгҳуқуқлилини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга эрта ва тўлақонли мослаштириш мақсадида инклюзив таълим сиёсати амалга оширила бошлади.

Натижада кўплаб давлатларда “Таълим ҳамма учун” миллий Дастур Режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилина бошлади. Италия, Норвегия, Швеция каби мамлакатларда алоҳида эҳтиёжли болалар умумтаълим муассасаларига тўлиқ интеграцияланиб, махсус-коррекцион мактабларнинг ёпилишига эришдилар. Бундан ташқари жаҳон миқёсида махсус эҳтиёжли болалар инклюзив таълими 51 та давлатда тўлиқ таъминланганлиги аниқланиб, 42 та давлатнинг эса Таълим вазирлиги режасига қўйилганлиги ва экспериментал иш олиб борилаётганлиги маълум бўлди.

Ўз навбатида 9 та хорижий мамлакатда бу масала ижтимоий таъминот ва Ижтимоий ривожлантириш Вазирлигига юклатилган. 24 та давлатда эса ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари томонидан, 11 та давлатда эса меҳр-мурувват ташкилотлари томонидан ҳал этилади. Жаҳон бўйича 30% давлатларнинг қонунлари ногирон болаларнинг ота-оналари фарзанди учун таълим муассасаси (махсус ёки умумтаълим)ни танлаш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам олиб борилган ишлар натижасида инклюзив таълим тизимининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Масалан, “Таълим ҳамма учун” Миллий дастур Режаси, “Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим муваққат Низоми” ва бошқалар. Демак, инклюзив таълим тизими

махсус эҳтиёжли болалар педагогик тизимида, ижтимоий ҳаётга мослашувида, коррекцион ривожлантирувчи иш тизимининг ишлаб чиқилишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги жаҳон миқёсида эътироф этилган муҳим ва долзарб масаладир.

** Юқорида келтирилган маълумотлар асосида инклюзи таълимнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши босқичлари, уни хорижий давлатларда жорий этилиши ҳолати билан қисқача танишиб олдингиз, ушбу маълумотлар инклюзив таълим тизимининг мазмунимохияти, аҳамиятлилик жиҳатлари ва ҳозирги кунда Республикамиздаги аҳволи ҳусусида тушунча берди. Кейинги бобларда инклюзив таълимда олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар ва уларни амалга ошириш босқичлари билан амалий жиҳатдан танишиб оласиз.*

II БОБ: ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1.Инклюзив таълимда ҳал этиладиган мақсад ва вазифалар

Инклюзив таълим тизимида қуйидаги мақсад ва вазифалар ҳал этилади:

- таълим муассасасида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарурий психолого-педагогик, коррекцион шароитларни яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш орқали руҳий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;
- ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;
- жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, дўстона муносабатларни шакллантира олиш, болаларнинг эҳтиёжларини кондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;
- имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оилалардан ажрамаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;
- жамиятда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантиришдир.

Юқоридаги вазифаларни тўлақонли амалга оширишда энг биринчи галда куйидагиларга эътибор қаратинг:

Инсонпарварлик нуқтаи назаридан имконияти чекланган болаларни куйидаги атамалар билан номланг	Тушунчанинг изоҳи
Имконияти чекланган бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади
Махсус ёрдамга муҳтож бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади
Махус эҳтиёжли бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади
Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола	Бош миясининг органик жароҳатланиши натижасида ақлий ривожланиши турғун бузилган болалар
Кўришда муаммоси бўлган бола	Кўриш қобилияти, кўриш ўткирлиги қисман бузилган ёки кескин пасайган-кўзи ожиз ёки заиф кўрувчи болалар
Ҳаракатланишида муаммоси бўлган бола	Таянч ҳаракат аъзолари фаолиятида бузилишлар бўлган болалар
Эшитишида муаммоси бўлган бола	Эшитиш қобилияти қисман ёки кескин пасайган-заиф эшитувчи ҳамда кар болалар
* Кейинги бўлимларда ҳар бир йўналишдаги имконияти чекланган болаларнинг ўзига хос хусусиятлари, турлари ҳамда ўқитиш спецификаси билан таништирилади.	

Нима учун бундай дейиш мумкин эмас?

Бола-бу қандай ҳолатда ва қандай имкониятга эга бўлишидан қатъий назар ҳар доим катталар ёрдамини муҳтож-фарзанд. Уни алоҳидалаш ёки алоҳида ном билан ажратиб кўрсатиш

инсонпарварлик нуқтаи назарига тўғри келмайди. XXI асгача имконияти чекланган болаларга нисбатан “аномал болалар”, “ногирон болалар”, “кўр болалар”, “қар болалар”, “акли заиф болалар”, “ҳаракат таянч аъзолари фалажланган болалар” ва ҳ.к тушунчалар ишлатилиб келинди. Аммо ушбу тушунчалар имконияти чекланган болаларни ҳуқуқларини поймол қилади. Ота-оналарга ҳам салбий таъсир этади. Имконияти чекланган болалар нормал ривожланишдаги болалар каби топшириқ ва вазифаларни тезлик билан мукамал амалга ошира олмасаларда аммо имконият даражасида бажара оладилар. Имконияти чекланганлик асло-қобилиятсизлик, дегани эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, касаллик ва камчиликда ҳам, муаммолар бўлса ҳам болада таракқиёт давом этади. Яъни, боланинг ривожланиши тўхтаб қолмайди. Имконияти чекланган болалар нормал ривожланишдаги болаларга нисбата кўпроқ эътибор ва ёрдам талаб этади холос. Шунинг учун ҳам доимий равишда ҳар бир боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камситишларга йўл қўймаслик, уларга ижобий муносабатда бўлиш фарзанд тарбиясида энг муҳим аҳаиятга эга. Шунинг учун ҳам болани алоҳида ном билан таҳқирлашларга йўл қўймаслик талаб этилади.

2. Имконияти чекланган болалар, уларнинг ота-оналари ва педагоглар ўртасидаги муносабатлар

Одатда кўпчилик ота-оналар ва педагоглар болалар тарбияси, улар билан муносабатларда энг муҳим дидактик талабларни билмайдилар ёки талабларга риоя қилмайдилар. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бола ҳулқ-атворида кўплаб салбий хусусиятлар юзага келади. Айниқса имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси янада кўпроқ мураккаблик туғдиради.

Боладаги психофизик бузилишларни аниқлаш, махсус педагогиканинг замонавий тенденцияси сифатида илк коррекцион-педагогик ишда мутахассис-дефектолог ҳамда оиланинг ролини тўғри англашни талаб этади. Ривожланишида муаммолари бўлган болалар ва уларнинг ота-оналарига психолог, методик маслаҳат назариясини ишлаб чиқишда жуда юқори даражада зарурият мавжуд. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда психолог ва дефектологлар хизматига талаб ортиб бормоқда. Имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарини қўллаб-қувватлаш, ривожланишида муаммолари бўлган болалар билан

ўзаро муносабат усулларини яхшилаш, бу усулларни тўғри англаш ва бошқа бир қатор масалаларни ҳам ҳал этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, ногирон фарзанди бор оиладаги бола билан ота-она муносабати ўта муҳим ва мураккаб муаммони касб этади. Ҳамма гап шундаки, имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий мослашуви ота-онанинг тарбиясига ва муомаласига боғлиқ. Болаларнинг ривожланишидаги камчиликлар ўз навбатида ривожланишида ортда қолган болаларнинг ўз ота-онаси билан ўзаро яхши муносабатда бўлишига тўсқинлик қилиши, шахслараро мулоқот усулларини шакллантиришни қийинлаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам кўплаб мутахассис олимлар ногирон боланинг ижтимоий мослашувида оиланинг роли катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Имконияти чекланган болаларга оиладаги ота-она муносабатларини қуйидаги турлари фарқланади:

- авторитар услубдаги муносабатлар;
- невротик ҳолатдаги муносабатлар;
- психосоматик ҳолатдаги муносабатлар;
- меъёрдаги ижобий муносабат.

Авторитар услубдаги муносабатларда ота-оналар ўзларининг шахсий ҳис-ғуйғулари билан яшашга интиладилар. Фарзанд тарбиясида асабий, кўпол танбеҳлар, тарбиявий ишларни олиб боришда меъёрий чегараларнинг йўқлиги, боладаги мавжуд камчиликни катта фожеа сифатида қабул қилиш асосида қўни-қўшнилардан болани бекитишга уриниш, имкон қадар мутахассисларга ҳам мурожаат қилмаслик билан характерланади. Имконияти чекланган болаларнинг ривожланишида авторитар услубдаги муносабатлар жуда катта салбий таъсир этади. Имкониятларини янада чегаралайди, иккиламчи нуқсонларнинг чуқурлашиб кетишига, ижтимоий жамияга мослашувининг қийинлашувига ва бошқа кўплаб салбий оқибатларга олиб келади.

Невротик ҳолатдаги муносабатлар болани ташки муҳит муаммоларидан ҳимоя қилиш, доимо хавотирли кайфият, болага ҳаддан ташқари ортиқча ғамхўрлик қилиш билан характерланади. Боладаги нуқсонни бартараф этишга умидсизлик билан қарайдилар, ишончсизлик ҳосил қиладилар. Бундай ҳолатдаги муносабатлар имконияти чекланган болаларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш малакаларининг шаклланмаслигига ёки жуда кеч шаклланишига,

ижтимоий ҳаётга мослашувининг қийинлашувига, боқимандалик кайфиятида вояга етишига олиб келади. Бундай ҳолатдаги муносабатлар имконияти чекланган болалар келажак ҳаётига салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Психосоматик ҳолатдаги муносабатларда болага ҳар иккала невротик ва авторитар услубда муносабат кўрсатилади. Яъни, ота-она ногирон болага ҳам ҳаддан ташқари гамхўрлик қилади ҳам боланинг имкониятларини чегаралайди. Бундай муносабат боланинг бошқаларга қарамлигини ортишига, ижтимоий жамият ҳақидаги тасаввурларининг янада торайиб боришига, нуқсонларининг чуқурлашиб кетишига олиб келади.

Меъёрдаги ижобий муносабатда ота-она ногирон фарзандига аввало шахс сифатида қарайди. Унинг камчилигидан уялиши, кўркиш, ҳадиксираш ҳиссида яшамайди. Мутахассислар билан доимий ҳамкорлик ўрнатишда интилади. Мутахассислар маслаҳатлари ва кўрсатмаларига амал қиладилар. Фарзандининг келажакига ишонч билан қарайди. Бундай ҳолатдаги муносабат асосида боладаги мавжуд нуқсонни эрта аниқлаш, самарали коррекциялаш ва иккиламчи нуқсонларнинг олдини олиш имкониятларини пайдо қилади. Боланинг ўз-ўзига хизмат қилиш малакалари юқори даражада ривожланади, ижтимоий ҳаётга эрта ва имкон қадар тўлақонли мослашадилар.

Бундан ташқари имконияти чекланган бола тарбияланаётган оила кўп ҳолларда психотравматик ҳолатда бўлиши кузатилади.

Айрим ота-оналар маслаҳатчи-мутахассисларга нисбатан ишончсизлик билан муносабатда бўлиб, турли хил илмий ва тиббий марказларга мурожаат этиб, қўйилган ташхисни қабул қилсаларда, боланинг ривожланиш имкониятларига юқори талабда ишонч билан қарайдилар.

Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг умумтаълим мактабларига қатнагунларича мавжуд нуқсонларини англамайдилар ёки эътибор бермайдилар. Бола мактабга чиқиб ўзлаштиришида тенгдошларидан орқада қола бошлагачгина муаммонинг асл сабаби устида бош қотирадилар. Табиийки, ушбу болага мактабгача ёшида махсус коррекцион ёрдам кўрсатилмаган. Натижада боланинг имкониятлари янада чегараланади, коррекцион ишнинг самарадорлиги пасайиб кетишига олиб келади.

Имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, бу муносабатлардаги мавжуд камликларни тузатиш ва олдини олиш, мутахассис ва оила

ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ота-оналарнинг ногирон бола ва унинг ўзига хос хусусиятлари, оилада олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар мазмуни ҳақидаги билимларини ошириш, оилалардаги психологик муҳитни яхшилаш, болага меъёрдаги ижобий муносабат турида қарашга ўргатиш имконияти чекланган болаларнинг камчиликларини самарали коррекциялашга, билим, кўникма ва малакаларини оширишга, касб-хунар ўргатишга, соғлом тенгдошларига тенглаштиришга, ижтимоий жамиятга самарали мослаштиришга, умумий қилиб айтганда инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишга юқори даражада ижобий таъсир этади.

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, нуқсон тури, даражаси ва синфдаги болалар сонини эътиборга олган ҳолда ташкил қилинади. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ёшлари бир хил бўлсада, лекин улар бир бирларига ўхшамайдилар. Барча болаларнинг индивидуал психологик, шахс хусусиятлари, қабул қилиш даражаси, зехн ва идроки турличадир. Шу боис махсус эҳтиёжга эга бўлган бола таълим олаётган инклюзив синфлардаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш масаласи янада мураккаброқ муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Инклюзив синфда ўқитувчи болаларнинг имкониятини эътиборга олиб, дарсларни шунга мувофиқ режалаштира олса, болаларнинг ногиронлиги билим олишига қандай таъсир қилишини билиб, бу қийинчиликларни бартараф этишнинг самарали йўлларида фойдаланса, мактаб ва оила ҳамкорлигини тўла йўлга қўя олса ҳамда ногирон боланинг келажагига ишонч билан қарасагина дарс жараёнининг муваффақиятли кечишига эришиш мумкин.

Инклюзив таълимга янгича фикрларнинг талқин этилиши миллий, ташкилий ва услубий ислохотларни талаб этади. Махсус таълимга муҳтож болалар ҳозирги мактаб тизимида эҳтиёжлари қондирилмаётган болалардир. Шу сабабдан мактаблар барча болаларнинг турли хилдаги умумий мақсадлари, интилишлари, кизикишларига жавоб бериши ва уларнинг билим олишларини таъминлаши лозим.

Инклюзив таълимни ривожлантириш учун умумий таълим тизимига таркибий ўзгартиришлар киритиш муҳимдир. “Умумтаълим” ва “Махсус таълим” ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланиши керак. Махсус таълим умумий таълимнинг бир қисми

бўлишига қарамасдан, ўзининг ўқувчилари, ўқитувчилари, бошқарув жамоаси ва таъминот тизимидан ташкил топган иккита таълим тизими амалда қўлланилиб келинмоқда. Барча ўқувчиларнинг талабларига жавоб берувчи “Инклюзив мактаб”да бундай тизимга эҳтиёж қолмайди.

Ислохотлар таълим мақсадларининг амалиётини бошқариши мумкин, лекин уларнинг педагогик амалиётини тўғридан-тўғри бошқара олмайди. Шу сабабдан самарали бўлиши учун ислохотлар атрофлича муҳокама қилиниши ва таълим тизими бошқарувчилари ҳамда уни амалда қўлловчилар томонидан кўриб чиқилиши керак.

** Юқорида келтирилган маълумотлар ўқитувчидан имконияти чекланган болаларга оиладаги ота-она муносабатларини, бу муносабатларнинг таъсири натижасида бола ҳуққидаги ўзгаришларни, ижобий ва салбий муносабатларни, ота-оналар билан мустақкам ҳамкорлик қилишининг ҳамда ота-оналар билан ишлашнинг аҳамиятини ангаши имконини беради. Жамиятимизда шундай оилалар борки ота-онанинг болага бўлган муносаба таъсирида бола ҳуққида мураккаб зиддиятлар юзага келади. Бу ҳолатлар айниқса имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларда янада яққолроқ кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам мактаб ва оила ҳамкорлигини тўлиқ йўлга қўйиш инклюзив таълимнинг зарурий шарти ҳисобланади.*

3. Ўқитувчи амал қилиши лозим бўлган болага ижобий муносабатнинг педагогик-психологик қондалари

- Қачонки сиз имконияти чекланган бола билан суҳбат қураётгансиз, ҳеч қачон диққат марказингизда ногиронлик тушунчаси турмасин. Яъни болага ногирон бола сифатида эмас аввало бола сифатида қаранг;

- Имконияти чекланган бола билан танишганингизда албатта у билан қўл беришиб кўришинг. Чунки бу болада ўз-ўзига ишонч, сизга нисбатан яқинлик ҳиссини шакллантиради. Бундай вазиятда боланинг қўл тутиши қийин, протез қўл бўлса ҳам, чап қўлини бўлса ҳам узатишига муваффақ бўлинг;

- Кўришда муаммоси бўлган (умуман кўрмайдиган) бола билан учрашганингизда албатта ўзингизни ва ёнингизда кимлар борлигини айтинг. Агар гуруҳли мулоқот талаб этилса, сўзлаётган кишининг исмини айтишни ҳам унутманг;

- Имконияти чекланган болани ҳам барча болалар қатори ўз исми билан чакиришга, ўсмир ёшида бўлса катта одамга қилинадигандек муносабатда бўлишга ҳар доим эътибор қаратинг;

- Агар бола махсус аравачада ўтирса албатта синф ўқувчиларига аравачани ҳаракатлантириш ҳамда хавфсизлик қоидалари билан мукамал таништириш лозим;

- Мулоқот қилишида муаммоси бўлган бола бирор бир нарса ёки ҳодиса хусусида сўзлаётганда бардошли бўлинг, унинг фикрини кескин бўлиб қўйманг. Нима хусусида сўзламоқчилигини англашга ҳаракат қилинг. Босиқлик билан унга ўз муносабатингизни билдиринг;

- Эшитишда нуқсон бўлган бола билан мулоқот қилишда унга тўғри қараб, аниқ қилиб сўзланг. У сизнинг оғиз артқуляциянгизни аниқ кўра олсин. Мужмал бўлманг. Уни диққатини тортиш учун қўл ҳаракатларидан фойдаланинг, қўпол бўлманг;

- Албатта ҳар бир мулоқот жараёнида имконияти чекланган бола билан ўртангизда илиқ муносабат яратиш хусусида бош қотиринг;

- Боланинг ички имкониятлари, шахсий муаммолари билан қизиқинг;

- Унинг имкониятларини кенгайтиришга, қобилиятларини ривожлантиришга унданг.

4. Инклюзив таълим тамойиллари.

Инклюзив таълим тизимига махсус ёрдамга муҳтож болаларни вилоят (шаҳар, туман) халқ таълими бўлимлари томонидан тиббий-психолого-педагогик комиссиянинг “Республика, вилоят, туман тиббий-психолого-педагогик комиссиялар тўғрисида”ги Низом асосида қабул қилинади.

Инклюзив таълим муассасасида алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар таълими белгиланган тартибда ўқув режалар, коррекцион дастурлар асосида махсус методлар ва воситаларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Инклюзив таълим жорий қилинган мактабларда (муассасаларда) таълим жараёнида умумдидактик

тамойиллар билан бир қаторда қуйидаги махсус тамойилларга ҳам амал қилиниши керак:

- таълимнинг коррекцион йўналтирилганлиги;
- нуқсонини аниқлаш, таълим беришда комплекс (клиник-генетик, нейрофизиологик, психолого-педагогик) ёндашиш;
- нуқсонни эрта аниқлаб, тиббий-психологик жиҳатдан коррекциялаш;
- умумий ўрта маълумот бериш ва касбга йўналтириш воситасида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва мослаштириш;
- дифференциал ва алоҳида ёндашиш;
- таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш кабилар.

Умумтаълим тизимида инклюзив таълимни жорий қилишда муассаса ходимларининг иш вазибаларида ҳам кўзга кўринарли даражада ислохотлар амалга оширилиши керак.

5. Инклюзив таълимда мутахассислар фаолияти

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизимида ўқитиш ўқитувчилардан икки қарра масъулият билан ишлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам олий педагогик маълумотли ва малака ошириш курсларини ўтаб инклюзив таълим педагогик квалификациясини олган ўқитувчиларгина инклюзив синф ўқитувчиси этиб тайинланиши мумкин. **Инклюзив синф ўқитувчиси** умумий ўрта таълим муассаса Уставида белгиланган вазибалар билан бир қаторда:

- тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини коррекциялаш ва меъёрга келтириш ишларини олиб боради;
- болаларнинг фаоллигини, таълим самарадорлигини оширувчи методларни қўллайди;
- боланинг диққат-этибори, хотираси, кузатувчанлик, синчковлик ва бошқа қобилиятларини тарбиялайди;
- боланинг ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини, болаларнинг билишга доир қизиқишларини ва қобилиятини ривожлантиради.

Инклюзив таълим жараёнида муассаса тарбиячиси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. **Тарбиячи** иш фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи-дефектологлар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда соғлом ва алоҳида эҳтиёжли болалар билан олиб бориладиган машғулотларни режалаштириши

ҳамда шу асосида олиб бориши керак. Шунингдек, тарбиячи алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш масаласида ота-оналарга ва қонуний вакилларга методик ёрдам кўрсатади, керакли иш ҳужжатларини юритади.

Инклюзив таълим жорий қилинган муассасада албатта психолог фаолият юритиши лозим. **Психологининг фаолияти** ҳар бир боланинг руҳий саломатлигини ҳимоялаш, руҳий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этиш ва коррекциялашга қаратилади. Муассаса психологи ҳар бир болани психологик жиҳатдан текширади, доимий равишда психолого-педагогик жиҳатдан ўрганиб боради, индивидуал ривожлантириш дастурларини тузади, алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар беради, инклюзив таълим муассасасининг педагогик ҳодимларига психологик ривожлантириш масалаларида методик ёрдам кўрсатади.

Инклюзив таълим муассасасида таълим-тарбия олаётган махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг айримлари доимий равишда тиббий хизматга муҳтож бўлиши мумкин. Инклюзив таълим муассасаси **шифокор-педиатри (психоневролог)** ҳар бир боланинг руҳий асаб ҳолатини доимий равишда текшириб боради, зарурат бўлганда даволаш муолажаларини тавсия этади, коррекцион педагогик таълим жараёнида болалар соғлигини назорат қилади, ақлий ва жисмоний юкламанинг меъёрини белгилайди, ота-оналарга боланинг соматик ҳамда руҳий саломатлигини сақлаш юзасидан маслаҳатлар беради.

Шундай қилиб, инклюзив таълим муассасасида таълим - тарбия жараёни ҳар томонлама амалга оширилган ислоҳотлар асосидагина самарали кечади.

III боб: ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Ҳаракатланишида муммолари бўлган болалар

Кузатишларингиздан маълумки, атрофимиздаги айрим инсонларнинг ҳаракатланишида муаммолар бўлганлиги сабаблиги ҳасса, тростлар, аравачалар ёки ходуноклар ёрдамида ҳаракатланадилар. Бундай болалар ёки катта ёшли кишиларда бош

миянинг қўйи қисмлари ёки орқа миянинг жароҳотланиши натижасида ҳаракат таянч аъзоларида муаммолар юзага келади.

Умуртқа жароҳатлари

Кўплаб болаларда орқа мия жароҳатлари натижасида умумуртқанинг нормадан қийшайиши ёки ҳаракатланишдаги нуқсонлар кузатилади. Орқа мия турли жойларидан, турли даражада ва турли хил шаклда бузилишига қараб фарқланади. **Параплегия:** орқа миянинг қўйи қисмлари жароҳатланиши натижасида тананинг қўйи қисмлари “ишламайди”. Баъзи ҳолларда тос соҳасидаги ички органлар ҳам яхши ишламаслик ҳоллари кузатилади. **Тетраплегия:** инсоннинг бутун тана қисмида фалажланиш кузатилади.

Склероз

Склероз ривожланиб боровчи (прогрессив) неврологик касаллик бўлиб, ушбу касалликда инсоннинг ҳаракатланишида бузилишлар енгил даражада бўлса, уларнинг фаоллиги борган сари заифлашиб боради. Бу касалликда руҳий ўзгаришлар юзага келмайди. Касалликнинг асосий белгилари, қимирлаб турувчи (“ўйинга тушувчи”) қомат, заиф кўриш ва тез унутувчанликдир. Статистик маълумотларга кўра ушбу касаллик асосан ёшлар (20-40 ёш) орасида жуда кўп, 50 ёшдан кейингиларда эса камдан-кам учрайди.

Болалар церебрал фалажи

Ҳаракатланишида муаммолари бўлган болаларнинг кўпчилик қисмини асосан болалар церебрал фалажи (БЦФ) ташкил этади. Болалалар церебрал фалажи миянинг ҳаракатланиш марказларини бузилиши оқибатида таянч ҳаракат аъзоларининг фалажланишидир. Болада қўл оёқлар ёки юз мускулларининг ҳаракатини назорат қилувчи миянинг қисмлари шикасланиши натижасида тананинг ҳаракатчан аъзолари жонсиздек осилиб туради ёки жуда кўп ҳолатда таранг тортишган ҳолатда бўлади. Церебрал фалаж болаларда бош ёки юз мускулларининг ҳаракатларини назорат қила олмаслиги ёки қийинчиликларга дуч келганлиги, тил мускулларининг фалажланганлиги оқибатида нутқида ҳам огир нуқсонлар юзага келади. Бундан ташқари церебрал фалаж болаларда иккиламчи нуқсон сифатида кўриш, эшитиш идрокида ҳам нуқсонлар кузатилади. Церебрал фалаж болаларнинг майда қўл моторикасида ҳам жуда кўпол

бузилишлар юзага келади. Шунинг учун ҳам уларни ёзма нутқга ўргатиш қийин кечади.

Церебрал фалажлик нуқсонниг энг мураккаблашган туридир, чунки мияга зарар етиши натижасида болада баъзида умумий аклий қобилятлар ҳам бузилиши мумкин. Аклий бузилишнинг даражаси фалажланиш даражасига боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Аммо церебрал фалаж болаларнинг ҳаммасида ҳам аклий ривожланишдан орқада қолиш кузатилмайди.

Шунинг учун ҳам педагог синфда таълим тарбия олаётган церебрал фалаж боланиг индивидуал психологик хусусиятларига кўра иш олиб борсагина самарали кечади.

Церебрал фалаж болалар билан олиб бориладиган иш мақсадларига эришиш учун муайян тарбиявий маърифий ишларга комплекс ёндашиб, яъни даволаш тадбирларини педагогик иш жараёни билан чамбарчас боғлаб олиб бориш керак.

Церебрал фалаж болалар билан олиб бориладиган коррекцион педагогик ва даволаш ишлари комплекс олиб боришни, бунда психоневролог, невропатолог, дефектолог тарбиячи ҳамкорликда фаолият юритиши талаб этилади.

Церебрал фалаж болаларнинг нуқсон шакллари.

Бош миядаги ҳаракат марказларининг жароҳатланиш даражаси, тури ва хусусиятларига кўра болада таянч ҳаракат аъзоларида турли хилдаги бузилишларни келтириб чиқаради. Шунга кўра бу тоифадаги нуқсонли болалар қуйидагича таснифланади:

- 1). Икки ёқлама гемиплегия;
- 2). Спастик диплегия;
- 3). Гиперкинетик шакли;
- 4). Гемипаретик шакли;
- 5). Атоник-астатик шакли.

Икки ёқлама гемиплегия-болалар церебрал фалажининг энг оғир шаклидир. Бу боларда инсон учун энг муҳим бўлган функциялар: нутқий, рухий ва жисмоний ҳолатларда оғир бузилишлар мавжуд бўлади. Бу шаклнинг ташқи кўринишидаги асосий белгилари-боланинг танасининг бир қисми фалажланган бўлиб, асосан қўл букилган ҳолатда, қўл ҳам оёқ ҳам ичкарига қараган ва букилган бўлади. Бу турдаги болаларнинг нутқида алалия (нутқнинг йўқлиги) ёки оғир дизартрия (нутқнинг бузилиши) кузатилади.

Спастик диплегия-бу энг кўп тарқалган шакли бўлиб, у маълум бир оғир касллик ёки Литгал синдромининг таъсирида келиб чиқади. Спастик диплегия шаклидаги болаларда иккиламчи нуқсон сифатида руҳий ривожланишда сустлашиш кузатилади. Бу шалдаги болаларнинг 30-35%и энгил даражадаги ақли заифлик, 70%ида эса нутқ нуқсонлари кузатилади. Спастик диплегия туридаги фалаж болаларнинг оёқлари қўлларига нисбатан кўпроқ фалажлик таъсири остида бўлиб, қўллар бир оз беўхшов ҳаракатланади. Оёқлар бир бирига ёпишган ва ичкарига қараган ҳолатда бўлиши кузатилади.

Гемипаретик шаклида бир томонлама фалажлик кузатилади. Яъни боланинг бир томонлама оёғи ва қўли фалажланади. Бу болаларнинг 25-35% энгил даражадаги руҳий сустлашиш, 45-50% иккиламча руҳий сустлашиш, 20-35% ида нутқ нуқсонлари кузатилади.

Гиперкинетик шаклининг келиб чиқишига илк вақтда гемолитик касалликларнинг натижасида билирубин энцефалопатияси сабаб бўлади.

Бу болаларда ҳаракатланишдаги ғайри оддий ҳаракатлар, қўл ва оёқни ҳаракатланишдаги бузилишлар кузатилади. Болалар церебрал фалажлигининг гиперкинетик шаклининг туғма турида болалар жуда кеч ўтирадилар, камдан-кам ҳолларда 2-3 ёшидан бошлаб юра бошлайдилар, кўп ҳолларда улар 4-7 ёшидан бошлаб, ҳатто 9-12 ёшларида мустақил юришлари мумкин. Бу болаларнинг 90% ида гиперкинетикдизартрия, 50% ида руҳий ривожланишнинг сустлашиши, 25-30%ида эшитишдаги бузилишлар кузатилади.

Атоник-астатик шакли бошқа шаклларга қараганда энгиллиги билан характерланади. Уларда ҳаракат координациясидаги бузилишлар, рефлекслар тонусидаги бузилишлари, 60-70% ида псевдобульбар дизартрия кузатилади.

Айрим ҳолларда церебрал фалажликнинг **аралаш шакли** ҳам учраб туради. Бу шаклда болада спастик-гиперкинетик, гиперкинетик ҳолатлар ёки атетоз ҳаракатлар (назорат қилиб бўлмайдиган, ғайри оддий ҳаракатлар) билан мускуллар тонусининг таранглиги бирга келиши мумкин.

Ҳаракатланишида муаммолари бўлган церебрал фалаж болалардаги мавжуд нуқсонларни коррекциялашда нуқсон турини эрта аниқлаб алоҳида ёндашиш жуда яхши самара беради.

Таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар инклюзив таълимида синфни ва дарс жараёнини мослаштириш

Енгил даражаги ҳаракатланишида муаммолари бўлган болани умумтаълим синфларида ўқитиш учун кўп нарса талаб этилмайди. Аммо боладанинг ҳаракатланишидаги муаммолар оғир даражада бўлса, умтаълим тизимида ўқитишда синфни мослаштириш бўйича қуйидагилар тавсия этилади:

1. Ҳаракатланишида муаммоси бўлган бола ўтирганда боши ва гавдасини тўғри тутиши учун махсус ўриндиқларнинг мавжуд бўлиши ёки ўриндиқларни бу болага мослаштириш;

2. Ўқитувчи ва тенгдошлари болани тушуна олишлари учун мулоқат тахталари (масалан, расмли ёки турли рамзий белгилардан ташкил топган тахталар)дан фойдаланиш;

3. Бола синфда ҳаракатлана олиши учун синф хонасининг деворлари ёнига ёрдамчи воситалар қўйиш (Масалан, ёғочдан тиргагичли “йўлакча”лар ясаш);

4. Агар бола аравача ўтирса синфхона партасини имкон қадар ҳаракатланишида муаммоси бўлган боланинг аравачаси учун мослаштириш;

5. Агарда боланинг нутқида оғир нуқсонлар бўлса мулоқотнинг бошқа шаклларида, масалан расмлар ёки чизилган рамзий карточкалардан фойдаланиш мумкин. Улар синф тахтасига жойлаштирилса, бола ўз фикрини бу воситалар орқали ифода этади;

6. Болани оғзаки саволлар беришга ундаш, лекин унга ўз нутқи билан ёки бошқа воситалар орқали жавоб беришга фурсат бериш;

7. Тенгдошларидан ушбу бола билан ўзаро мулоқат қилишларини сўраш, чунки болалар доими бир-бирлари билан мулоқат қилиш йўлини топадилар;

8. Қўл, оёқларини бошқара олишда қийналган болалар ёзишда жуда кўп қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун уларнинг ёзишларига қўшимча вақт ажратиш лозим, ёки уларга маълумотнинг нусхаси берилиши ёки бошқа ўқувчи уларга ёзиб бериши мумкин.

Таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар нутқининг ўзига хослиги ва олиб бориладиган коррекцион ишлар

Таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болаларнинг кўпчилигида айниқса болалар церебрал фалажида турли хилдага нутқ нуқсонлари учрайди. Энг кўп учрайдиган нутқ нуқсонларидан бири дизартрия деб аталади. Дизартрия-нутқнинг марказий асаб тизими

(бош миядаги нутқ марказлари)нинг жароҳатланиши натижасида келиб чиқадиган нутқ нуқсони. Дизартрия учун марказий ҳамда периферик нерв системасининг органик касалликлари натижасида нутқий органлар мушаклари (мускуллари)нинг фалажланиши туфайли товушлар талаффузи ва овознинг бузилиши характерлидир. Дизартрия нутқ нуқсони мавжуд бўлган болаларни доимий равишда нутқини тузатиш устида иш олиб бориш лозим. Инклюзив таълимда имконияти чекланган болаларни ўқитишда ҳар бир боланинг зарурий эҳтиёжларини амалга ошириш энг асосий талабдир. Чунки имконияти чекланган бола билан коррекцион иш олиб бориш энг долзарб масала ҳисобланади.

Таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар нутқидаги нуқсонларни тузатиш ишлари асосан мактаб логопеди томонидан амалга оширилади. Аммо бошқа дарсларда ҳам ўқитувчилар томонидан коррекцион ишлар давом эттирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчи бола билан машгулотларни мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда мунтазам ўтказиш тавсия этилади.

Нутқ аъзолари учун машқлар. Нутқ аъзоларининг асосий ҳаракатларини ривожлантириш, аниқлаш, мустаҳкамлаш мақсадида биринчи босқичда нутқ машқлари мажмуаси тавсия этилади.

Нутқ аъзоларининг тўғри ҳаракати ва товушларни тўғри талаффуз қилиш учун маълум ҳолатни шакллантириш нутқий машқларнинг асосий мақсадидир. Нутқ аъзолар учун машқларни тўғри танлаш ва уни нутқ аъзоларида шакллантириш яхши самара беради. Ҳаракат кўникмаларини мустаҳкамлаш, янада мукамал бажариш мақсадида нутқ аъзолари машқларини ҳар куни 4-5 марта, 3-5 дақиқа мобайнида ўтказиш мумкин. Ҳар бир машқни педагог ўзи кўрсатиб бериши лозим.

1. Тил учун ҳаракатсиз машқлар.

а) “Қушчалар”-оғиз катта очик, тил ўз ўрнида тинч ҳолатда бўлади;

б) “Қуракча”-оғиз очик ҳолатда, кенг бўшашган, тил пастки лаблар устида ётади;

с) “Тоғорача”-оғиз кенг очик ҳолатда. Тилнинг олд ва ён қисми кўтарилади, лекин тишларга тегмайди;

д) “Найза”-оғиз очик ҳолатда. Учли, узун, зўриққан, қаттиқ, тил олдинга чиқарилади;

е) “Тепача”-оғиз очик ҳолатда. Тил учи пастки тишларга тиралади. Тилнинг ўртаси кўтарилиб, “тепалик” ҳосил қилинади;

ф) “Тарновча”-оғиз очик ҳолатда. Тилнинг икки чеккаси юқорига кўтарилиб, “тарновча” ҳосил қилинади;

г) “Кўзиқорин”-оғиз очик ҳолатда. Тилни танглайга ёпиштириб сўрилади.

2. Тил учун ҳаракатли машқлар.

а) “Соатча”-оғиз бироз очик, лаблар табассум ҳолатида. Тил учи оғиз бурчаклари томон галма-гал ҳаракатланади.

б) “Илонча”-оғиз кенг очик ҳолатда. Тил учи узун чиқарилиб, сўнг оғиз ичкарисига тортилади.

с) “Арғимчоқ”-оғиз очик ҳолатда. Таранг, тил юқори ва пастки бурун ва ияк томон ёки юқори ва пастки тишлар томон ҳаракатланади;

д) “Футбол”-оғиз ёпиқ ҳолатда. Тил ўнг ва чап лунжланрга урилади.

е) “Тиш тозалаш”-оғиз ёпиқ ҳолатда. Тил лаб ва тишлар орасида (милкларда) айланма ҳаракатлантирилади.

ф) “Бўёқчи”-оғиз очик ҳолатда. Кенг тил учи юқоридаги тишлардан бошлаб, юмшоқ танглайгача ҳаракатлантирилади.

г) “Ширин мураббо”-оғиз очик ҳолатда. Кенг тил учи билан юқори лаб яланиб, тил оғиз бўшлиғининг ичкарисига олинади.

3. Лаб учун машқлар.

а) “Табассум”-лабларни табассум ҳолатида тутиб турилади. Тишлар кўринмайди.

б) “Деворда”-юқори ва пастки тишлар кўрсатиб турилади. Лаблар табассум ҳолатида.

с) “Найча”-лабларни узун трубка шаклида олдинга чўччайтириш.

д) “Хартумча”-жипслашган лабларни чўччайтириш.

е) “Тешик кулча”-тишлар жипслашган, лаблар тешик кулча шаклида озгина олдинга чўзилган. Юқори ва пастки тишлар кўриниб туради.

ф) “Куёнча”-тишлар жипслашган ҳолатда. Юқори лаб кўтарилиб, тепа тишлар кўриниб туради.

Ушбу машқлар кетма-кет бажарилади. Тайёрлов даврида педагог ёки ота-она юқоридаги машқлардан айримларини, яъни нотўғри талаффуз қилинадиган товушни тўғри шакллантиришга мос келадиган машқларнигина танлаши лозим.

**Таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар
инклюзив таълими учун тахминий дарс ишланмаси**

2-СИНФ

Она тили

Мавзу: Сўз ва гап

Мақсад: А). Таълимий: сўз ва гапнинг хусусиятлари ва фарқлиниши ҳақида тушунча бериш.

Б). Тарбиявий: ахлоқ-одоб қоидаларини ўргатиш.

В). Коррекцион: таянч ҳаракат аъзолари фалажланган боланинг нутқини ўстириш, луғат бойлигини ошириш.

Жихоз: карточкалар, байроқчалар.

Дарснинг бориши:

1). Ташкилий қисм:

А. Саломлашиш.

Б. Давоматни назорат қилиш

Г. Навбатчи билан суҳбат.

Ўқитувчи: -Болалар ҳозир биз сиз билан “Ҳикоя тузамиз” ўйинини ўйнаймиз. Мен тарқатган ҳарфлардан сўзлар ясайсиз. Ясаган сўзларингиздан гаплар тузиб уни матнга айлантирамиз.

Болаларга ҳарфлар тарқатилади. Таянч ҳаракат аъзолари фалажланган бола ҳам ўйиндан четда қолмаслиги керак.

2). Такрорлаш.

Ўтилган мавзу: Сўз ичида ёнма-ён келган бир хил ундошлар.

А. Ўқувчиларни икки гуруҳга ажратиб, сўз ичида ёнма-ён келган бир хил ундошлар мавжуд бўлган сўзлар ёзилган карточкалар тарқатилади. Ҳар бир гуруҳ иштирокчилари тезликда доскада ўз карточкасига ёзилган сўзни бўғинга бўлиб ёзиши керак. Биринчи бўлиб тўғри бажарган гуруҳ ғолиб бўлади ва рағбатлантирилади.

В. Таянч ҳаракат аъзолари фалажланган ўқувчининг ҳам гуруҳда иштирок этиб вазифани бажариши учун бир ўқувчини унга ёрдамлашишга маъсул қилиб тайинлаш;

Б. Ўқувчилар ўз вазифасини бажаргунга қадар, ўқитувчи ўқувчиларнинг дафтарда уйда бажариб келган ишларини текширади.

3). Янги мавзу баёни:

А). Болаларни янги мавзу билан таништириш;

Б). Синфдаги ўқувчиларни ОЛМА, АНОР, ОЛЧА, ОЛХЎРИ номи билан 4 та гуруҳга ажратиш.

В). “Ким топоғон” ўйини. Сизнинг ҳар бирингиз мен берган мавзуга оид сўзларни топиб, саватчага соласиз. Қайси гуруҳнинг

сўзлари кўп бўлса ўша гуруҳ ғолиб бўлади”. ОЛМА гуруҳига Мактабдаги нарсаларнинг номини топиш, АНОР гуруҳига ҳовлидаги нарсаларнинг номини топиш, ОЛЧА гуруҳи эса уй ичидаги нарсаларнинг номи, ОЛХЎРИ гуруҳига кўчадаги нарсаларнинг номини топиш буюрилиб ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган аралаш ҳолдаги сўзлар карточкасини тарқатади.

Г). Ўқитувчи мунтазам равишда таянч ҳаракат аъзолари фалажланган ўқувчининг ўйиндаги фаол иштирокини назорат қилиб боради.

Д). Ҳар бир гуруҳнинг йиккан сўзлари саналиб, ўйин натижаси эълон қилинади.

Е). Болалар, сизлар нечта сўз йиғдингиз? Нарса, буюм, шахар, қишлоқлар, ҳаракатларнинг номини биз нима билан ифодалар эканмиз?-сўзлар билан.

Ё). Таянч ҳаракат аъзолари фалажланган ўқувчини доскага чиқариш, “Болалар Равшан нима қияпти?”

Болалар “Равшан юряпти”

“Равшан доскага чиқди” ва ҳоказолар.

Ж). –Равшан доскага “Равшан ўқияпти” деб ёз. “Болалар, Равшан нима деб ёзди?” “Равшан доскага нечта сўз ёзди?”-Иккита. Демак, биз Равшан ёзган гапдан бирор нарсани, яъни Равшаннинг ёзганлигини билиб олдик шундайми, гап сўздан фаркли равишда тугалланган мазмунни билдирар экан. Гапнинг охирига нуқта қўйилади.

З). Ҳамма дафтарига 153-машқни бажаради.

4). Жисмоний дақиқа.

Болалар ҳозир биз сиз билан, “Байроқчаларни аниқла” ўйинини ўйнаймиз. Болаларга сарик ва қизил рангдаги байроқчалар тарқатилади.

Мен сизга гап айтсам қизил байроқчани силкитасиз, агарда сўз айтсам сарик байроқчани силкитасиз.

5). Янги мавзунни мустаҳкамлаш:

-Бугун биз сиз билан қандай мавзуда суҳбатлашдик?

-Сўз билан гапнинг қандай фарқи мавжуд экан?

6). Дарсни яқунлаш ва уйга вазифа бериш

Ўқувчиларни рағбатлантириш.

Уйга вазифа ҳар бир ўқувчи дафтарига 5 та гап ёзиб, ҳаммаси бўлиб нечта сўз ёзганлигини аниқлаб келиш.

Ўзбекистон “Қизил китоб” и ва Тошкент хайвонот боғидаги хайвонлар

Дарсинг мақсади:

а) Ташкилий: Руспубликамиз ҳудудлари экологияси ва табиатни муҳофаза қилиш спекторлари билан таништириш. “Қизил китоб” га киритилган хайвонлар ва Тошкент хайвонот боғидаги хайвонлар билан таништириш.

б) Тарбиявий: Ўқувчиларда экологик тарбия ва маданиятни шакллантириш.

д) Ривожлантирувчи: Экологик дунё қарашини рикожлантириш, экологик фикр юритишини шакллантириш, экологик саводхонликка эришиш.

Дарс жиҳози: Ўзбекистон экологик харитаси Ўзбекистон “Қилиз китоб” га киритилган рангли расмлар Тошкент хайвонот боғи видео касетси, расм кўргазмалар.

Янги мавзу: Ўзбекистон “Қизил китоби” ва Тошкент хайвонот боғидаги хайвонлар тури.

- 1) Ўзбекистон ҳудудида жойлашган табиат минтақалар
- 2) Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар (тест)
- 3) Ўзбекистон “Қизил китоби” киритилган хайвонлар
- 4) Экология ва ҳадислар
- 5) Тошкент хайвонот боғи
- 6) Бошқотирма.

Дарс ташкил этилиб, ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб ўтказиш.

Ўқитувчи: Ўзбекистоннинг табиатини муҳофаза қилиш ҳақида гапиришдан олдин табиат, табиат компонентларини эсга олайлик!

Ўқувчи: Атрофни ўраб турган борлиқ, олам табиатдир. Табиат компонентларига қуёш нури, сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик, хайвонот олами ва инсон қиради.

Ўқитувчи: Ўзбекистон ҳудудида қандай табиат минтақаларига ажратилади?

Ўқувчи: Ўзбекистон ҳудудида чўл, адир, тоғ ва яйлов минтақаларига ажратилади.

Ўқитувчи: Ёзи иссиқ, узоқ давом этади, йиллик ёғин миқдори 300-400 мм?

Ўқувчиси: Адир

Ўқитувчи: Эфемир ўсимликлар ўсади, ҳайвонлари сарғиш рангда бўлади.

Ўқувчи: Чўл

Ўқитувчи: Юқорига кўтарилган сари ҳаво ҳарорати пасаяди ёғин миқдири кўпаяди.

Ўқувчи: Тоғ минтақаси

Ўқитувчи: Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳозирги асосий вазифаси табиатдан оқилона фойдаланиш.

Атроф муҳитни ифлосланишдан сақлаш. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги биринчи қонун 1270- йил Англия қироли Эдуард I томонидан чиқарилган. Бу қонунга кўра шаҳар жойларида тош кўмирдан фойдаланиш ман этилган эди. Эслаб кўрин-а?! Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикасида нима дейилган?

Ўқувчи: Табиатни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган (8 та тест ўқувчиларга тарқатилади).

Дам олиш дақиқаси (бахор фасли мусиқаси янграйди) Янги мавзу баёни

Ўқитувчи: Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами ҳам хилма-хил лекин, сўнги йилларда уларнинг сони ҳам, тури ҳам камайиб кетмоқда. Шу борада ноёб ўсимлик ва ҳайвонларни ҳисобга олувчи 2 жилдли “Ўзбекистон Қизил китоби” нашр этирилган. Қизил китоб дейилишига сабаб қизил ранг хавфли тақиқловчи ва ман қилувчи каби рамзий маънони англатади. Қизил китобнинг биринчи жилдига 63 та умуртқали ҳайвон тури, 22 та сут эмизувчилар 31 та қуш 5 та судралиб юрувчи ҳайвон 5 та балиқ тури киритилган. “Қизил китоб” нинг иккинчи жилтига муҳофаза қилиниши керак бўлган 400 та ўсимлик туридан 163 таси киритилган. Ўзбекистонда табиатни муҳофазақилиш мақсадида қўриқхон амиллий боғ ва биюртмалар ташкил этилган. Мана шундай қорикхоналардан бири “Зарафшон” қўриқхонасида саёхат уюштириш у ерда биз ҳайвонлар турлари, қушлар, ҳашоротлар, доривор ўсимликлари билан яқиндан танишиб келганмиз. Бугун эса сизлар билан Тошкент ҳайвонот боғидаги ҳайвонлар билан танишамиз.

Тошкент ҳайвонот боғи 1920 – йил ташкил этилган. Ҳайвонот боғида дастлаб сут эмизувчилар бўлими, кейинчалик заҳарли илонларни ўрганиш. Улардан заҳар олиш ва тиббиётга доир илмий

ишлар олиб борилади Ўқув ва амалий ишлар олиб бориш учун катта кизиқиш уйғотувчи ёввойи ҳайвонларнинг 300 дан ортиқ тури бор. Ҳайвонот боғида чет эллардаги ва ватанимиздаги ҳайвонларнинг 1500 тури намойиш этилмоқда. Ёш табиатшунослар майдончаларда ёш ҳайвончаларнинг 22 турини парвариш қилиб уларнинг озикланиши хулқ атвори ва ривожланиши устида кузатиб олиб борилади. Ҳайвонот боғида фақат ҳайвонларни намойиш этадиган балки у ўқув, илмий ва табиатни муҳофаза қилиш тизимидан иборат марказидир. Видео касета кўрилади.

Ўқитувчи: Экологик таълим тарбия беришда миллий ва умуминсоний фадриятлардан фойдаланиш имкинияти катта. Сиз бу ҳақида ҳикматли сўз ва ҳадислардан биласиз-ми?

Ўқувчилар: 1) Ёш бўл боғ қил, Қари бўл боғ қил.

1) Сен эккан дарахтнинг мевасини сен емсанг келгуси авлодларнинг истеъмол қилади, бунинг сабаби эса улуғдир.

2) Кисилкарга соя берувчи дарахтни кесувчи киши дўзахликдир.

Ўқитувчи: Демак, терга, сувга, ҳайвонлар ва набобатга бўлган ижобий муносабатимизни тиклаш орқалигини она табиатни асраб қолишимиз мумкин.

Гуруҳ сардорлари: “Қушларни биласизми?”, “Ҳайвонларни биласизми?”, мавзусида бош котирмалар ечишади.

Дарс якунида ўқувчилар янги мавзунини мустаҳкамлаш учун савол жавоблар қилинади. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар “5” баллик баҳо билан баҳоланади.

Уйга вазифа қилиб Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш харитасини ўрганиб келиш ва Ўзбекистон кўриқхоналарини ўрганиш.

2. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар

Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар амалиётда “ақли заиф”, “олигофрен”, “деменция” деган атамалар билан номланиб келинмоқда. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар касалликнинг келиб чиқиш вақти бўйича иккита шаклда фарқланади: олигофрения ва деменция.

Олигофрения бола марказий асаб тизимининг она қорни далигида, туғилишида, туғилгандан то 3 ёшгача бўлган даврида шикастланиши, касалланиши натижасида келиб чиқади.

Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар сирасидан бўлмиш олигофрен болаларда бош миянинг органик жароҳатланиши натижасида барча рухий жараёнлар турғун равишда бузилади. Бунинг оқибатида уларнинг кўпчилигида нутқ нуқсонлари, тафаккур, идрок, хотира, диққат ва сезгилардаги бузилишлар кузатилади. Улардаги шахс хусусиятларининг бузилиши тарбия жараёнига тўсқинлик қилади.

Агар трли сабабларга кўри ақли заифлик боланинг 3 ёшидан кейинги даврида пайдо бўлса, бунинг энди орттирилган ақли заифлик-деменция деб юритилдаи. Деменция прогрессив- яъни табиатан кучайиб борувчи хусусиятга эга бўлади

Ақлий фаолиятнинг шикастланиш даражасига кўра олигофрения уч даражага ажратилади:

- дебиллик;
- имбециллк;
- идиотлик.

Дебиллик- олигофрениянинг енгил даражаси бўлиб, бу болалар ёрдамчи мактаб дастур талабларини бемалол бажара олишади. Дебил даражасидаги болаларни нормал ривожланишдаги болалардан фарқлаш анча қийин кечиши мумкин. Улардаги мавжуд ақлий нуқсон умумлаштириш, мавҳум тафаккурлаш, математик амалларни бажариш жараёнида яққол кўзга ташланади. Бу болаларни нуткида қўпол нуқсонлар кузатилмасада, аммо луғат бойлиги камбағал, грамматик томони бузилган, боғланган нутқи султ ривожланган бўлади.

Имбециллк-олигофрениянинг бирмунча оғир даражаси бўлиб, бу болаларда ҳатто содда тушунчаларни ҳам шакллантириш қийин кечади. Имбецил болаларнинг нуткида жуда қўпол бузилишлар кузатилади. Уларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш малакаларини шакллантириш ҳам қийин кечади. У ёрдамчи мактаб дастур талабларини деярли ўзлаштира олмайдилар. Шунинг учун ҳам бу болалар билан асосан ижтимоий-фойдали меҳнатга ва ўз-ўзига хизмат қилиш малакаларини шакллантиришга ўргатиш ишлари олиб борилади.

Идиотлик-олигофрениянинг энг оғир даражаси бўлиб, уларнинг тафаккури, онги, нутқи деярли ривожланмаган бўлиб, ҳатто ўз шахсини ҳам билмайдилар.

Ақлий ривожланишда орқада қолган болаларни умумтаълим тизимида фақатгина дебил даражасидагиларинигина ўқитиш

имконияти мавжуд. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар умумтаълим тизими шароитида ўқитилсада, аммо ёрдамчи мактаб дастури талаблари асосидагина ўқитилиши талаб этилади. Чунки бу дастур талаблари ақлий ривожланишада муаммолари бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ва имкониятларни ҳисобга олан ҳолда тузилган бўлиб, ақлий ривожланишада муаммолари бўлган болалар умумтаълим дастури талабларини ўзлаштириш имкониятига эга эмаслар. Шунга кўра инклюзив таълим тизимига жалб килинган ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болаларни ўқитишда ўқитувчидан алоҳида-индивидуал ва дифференциал ёндашиш, кўшимча меҳнат ва маҳорат талаб этилади. Синф ўқитувчиси ўз синфига киритилган ақлий ривожланишда муаммолари бўлган боланинг диққати тарқоқ, қизиқишлари суст, хотираси паст эканлигини, уларнинг тез чарчаб қолишини ҳисобга олиши ва боланинг индивидуал-психологик-шахс хусусиятларини билиши лозим.

Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълимида синфни ва дарс жараёнини мослаштириш

1. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болани диққатини тарқоклигини ҳисобга олиб, партада ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак;

2. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болани тез чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, уларни ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб туриш (“дафтарларни йиғ”, “доскани тозала” каби);

3. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик;

4. Синфдаги лидерлик қобилиятига эга бўлган ўқувчини аниқлаб, “синф бошқарувчиси”(кичкина ўқитувчи) этиб тайинлаш (бу ўқувчидан ўқитувчи ақлий ривожланишида муаммолари бўлган бола билан ишлаётганда кўпроқ фойдаланади);

5. Ақлий ривожланишда муаммоси бўлган болаларни синфдаги энг аълочи ўқувчи билан бирга ўтказиш;

6. Дарсда асосан кўргазмалиликка таяниш;

7. Ақлий ривожланиши муаммоси бўлган болага топшириқларни қисмларга бўлиб бериш;

8. Болани рағбатлантиришни унутмаслик;

9. Усулларнинг хилма-хиллигидан доимий равишда фойдаланиш;

10. Ўйин методларига максимал даражада таяниш;

11. Бола топширикни бажараётганда унга қўшимча ёки амалий кўрсатма ҳам бериш;

12. Синф жамоасига ақлий ривожланишида муаммолари бўлган боланинг ҳам ҳиссаси қўшиладиган топшириқлар бериш;

13. Доимий равишда ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болани назорат остига олиш.

Умумтаълим мактабларида ақлий ривожланиши муаммолари бўлган болаларни ўқитишда (синфда) дўстона муосабат муҳитини шакллантириш

Умумтаълим муассасалари шароитида ақлий ривожланишида орқада қолган болаларни ўқитишда синф ўқитувчисининг ўзигина самарали натижаларга эриша олмайди. Бунинг учун эса синфда дўстона муносабат муҳитини яратиш лозим. Биз қуйида дўстона муносабат муҳитини яратишга ёрдам берадиган ўйин усулларини тавсия этамиз.

«СОЯЛАР» ўйини.

Ўйиндан кўзланган мақсад: синфда дўстона, илик муносабатларни шакллантириш.

Ўйин жихозлари: каттароқ ҳажмдаги оқ қоғоз, фломастер.

Ўйиннинг бориши: Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда бир-бирларининг сояларини аниқлайдилар. Бу фаолият одамнинг катта қоғоз ёнида турганда, унинг атрофидан қалам ёрдамида чизиш орқали бажарилиши мумкин. Шундан сўнг турли рангдаги қоғозларга туширилган соялар қирқиб олинади ва уларга эгаларининг исмлари ёзиб қўйилади.

Биринчи усул: ҳар бир ўқувчи деворларга осиб қўйилган соялар атрофида юриб, уларнинг ҳар бирига мос ижобий гаплар ёзадилар. Албатта ўзининг сояси бундан мустасно.

Иккинчи усул: ҳар куни битта сояни осиб ва ўқувчилар бу соя ҳақида ижобий фикрларни билдиришидир. Соялар устига махсус соврин ёки сертификатлар ёпиштириш ҳам мумкин. “Соялар” ўйинининг яна бир тури “Мениг ақлимда” деб аталади. Ўқувчилар жуфт бўлган ҳолда бир-бирларининг бошларининг расмини чизадилар. Бир-бирларининг фикрларини (қизиқишлари, орзулари) сўрагандан сўнг улар ҳар бир расм учун ўз фикрларини

билдирганларидан сўнг, ҳамма расмлар йиғилади ва улар ҳақидаги фикрларнинг фарқи, умумий томонлари муҳокама қилинади.

Бу ўйинни олиб боришда ўқитувчи мунтазам равишда кузатиб туради ва бошқа болаларга синфдаги ақлий ривожланишда орқада қолган боланинг “сояси”га содда, аниқ қилиб ёзишларини талаб қилади. Ўқитувчи ақлий ривожланишида орқада қолган боланинг ҳам фаол иштирок этишига қўмаклашиши шарт.

«ИЧКИ АЙЛАНЛАР» ўйини.

Ўйиндан кўзланга мақсад: болалар ўртасида дўстона муносабат муҳитини шакллантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш.

Ўйин жихози: стуллардан ибора иккита айлана; бирида стуллар ташқарига, иккинчисида ичкарига қаратилган ҳодатда кўйилади.

Ўйиннинг бориши: Синф тенг икки гугухга бўлинади: бири ички стуллар айланасига, бошқалари эса ташқи стуллар айланасига ўтирадилар. Бунда ҳар ким ўз шеригига қараб ўтиради. Ўқувчиларга муҳокама қилиш учун савол берилади. Яхшилаб ўйлаб олганларидан сўнг ўқувчиларга шериклари билан саволни муҳокама қилиш учун бир икки дақиқа берилади. Маълум сигналдан сўнг ташқи айланадагилар бир ўрин чапга сурилишади ва айна саволни янги шериклари билан муҳокама қилишади. Ташқи айланадаги ўқувчилар ўзларининг энг биринчи шериклари сурилиб келгунга қадар ёки етарлича янги шериклари бўлгунлария давом этади.

«КУНГАБОҚАР» ўйини.

Ўйиннинг мақсади: болалар ўртасида дўстона муносабат муҳитини шакллантириш

Ўйин жихозлари: Гул барги шаклида қирқилган рангли қоғозлар. Болаларнинг ҳар бири учун ўз тамғасифат рангли қоғоздан ясалган шакллар ёки наклейкалар. Ҳар бир боланинг фото сурати. Елим.

Ўйиннинг бориши

- 1). Болаларга бугун янги ўйин ўйналишини маълум қилиш.
- 2). Ҳамма болалар учун ўз шаклини рангли қоғоздан қирқиб олишига ёрдам бериш.

3). Ҳар бир боланинг фотусуратини бош қисмини думалоқ қилиб қирқиб олиб, алоҳида А4 формат қоғознинг ўртасига ёпиштириш.

4). Ҳар бола расмининг атрофига олдиндан тайёрлаб қирқиб олинган гул барглари худди кунгабоқар гули каби айлана қилиб ёпиштириб чиқиш (бунда боллар фаол иштирок этадилар);

5). –Болалар қаранг ҳар бирингизнинг расмингизни гул ичига жойлаштирдик. Энди ҳар куни ҳар бирингизни мана шу расмингизни доскага осиб қўяман. Қолган болалар эса бу расм атрофидаги бағларига агарда расми илинган бола унга бирор бир ёрдам берса ёки бирор бир яхшилик қилган бўлса ўз тамғасини унинг кунгабоқар гули баргларига ёпиштириб қўйиб, раҳмат айтади. Биз кун якунида ҳар бир боладан бу тамғани нима учун, қандай ёрдам берганлиги учун ёпиштирганлигини сўраймиз. Ўйинимиз якунланганда ҳар бир боланинг кунгабоқарида ёпиштирилган тамғаларни санаймиз. Қани кимнинг кунгабоқар гули баргларида тамғалар кўп бўларкин.

Мазкур ўйинлардан дарс жараёнида, жисмоний дақиқаларда ва дарсдан ташқари вақтларда фойдаланиш мумкин.

Ақлий ривожланиши орқада қолган болалар инклюзив таълими учун тахминий дарс ишланмаси

Даре тури: Янги мавзуни баён қилиш.

Мавзу: Бош бўлақлар.(Ақлий ривожланиши орқада қолган бола учун - нарса-буюм номини билдирган сўзлар.)

Мақсад: *Таълимий:* Гапнинг бош бўлақлари-эга ва кесим ҳақида маълумот бериш; ақлий ривожланиши орқада қолган болага нарса-буюмларнинг номини билдирган сўзлар, кишиларга ким? бошқа нарсалар ва ҳайвонларга нима? деб сўроқ бериш лозимлигини ўргатиш

Коррекцион мақсад: ақлий ривожланиши орқада қолган боланинг нутқини ўстириш, луғат бойлигини ошириш, тафаккурини ва идрокини ривожлантириш.

Дарснинг бориши

1. **Болалар диққатини дарсга жалб этиш;** (бунда албатта ақли заиф болани ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим);

2. **Ўтилган мавзуни такрорлаш;**

-болалардан ўтилган мавзуни сўраш (Мавзу: Гап бўлақлари);

-ўқитувчи 3-4та ўқувчини синф доскасига чиқариб мавзуга оид коидаларни ва уйга берилган машқни ёзишни топширади.

-қолган болаларга эса дафтарларига бештадан гап ёзиб, бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратишни топширади.

-болалар бу вазифаларни бажаргунларича ўқитувчи акли заиф бола билан ишлайди. Ўқитувчи унинг уйга берилган вазифани қанчалик даражада бажарганини текширади ва унга бир қанча предметларнинг расмини бериб, уларнинг номини ёзиб чиқиши лозимлигини айтади; (у вазифани бажаргунга қадар, ўқитувчи бошқа болаларга янги мавзунини тушунтиради)

3. Янги мавзу баёни

- болалар диққатини янги мавзуга қаратиш мақсадида синф тахтасига янги мавзунини ёзиб қўйиш, “Бош бўлақлар”;

-янги мавзунини тушунтириш учун ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган кўргазмали қуролда матн ёзиб келган бўлиши керак.
ТАХМИНИЙ МАТН: *“Ямин дурадгорлик тўғарагига қатнайди. Тўғарақда болалар ёғочдан турли буюмлар ясашни ўрганадилар. Ямин курсича, хонтахта ясашни билади...”*

4. Матн юзасидан саволлар бериш

Ўқитувчи: Матнда ким ҳақида ҳикоя қилиняпти?

Ўқувчилар: Ямин ҳақида.

-Демак, гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилаётганини билдирган бўлақ эга деб аталади. Матнга эътибор беринг, матндаги биринчи гапда Ямин ҳақида нима дейляпти?-
Дурадгорлик тўғарагига қатнайди. Демак, гапнинг эгаси ҳақида нима эканлигини билдирган бўлақ кесим дейилади. Эга ва кесим гапнинг бош бўлақларидир. Эганинг тагига бир чизик, кесимниг тагига икки чизик чизамиз. (Ўқитувчи биринчи гапни таҳлил қилиб бергач, қолган гапларни дафтарда мустақил таҳлил қилишлари лозимлигини билдиради.)

5.Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола билан ишлаш (индивидуал ёндашиш)

-берган вазифани бажарганлик даражасини аниқлаш;

-акли заиф болани чарчаб қолишининг олдини олиш мақсадида унга бирор бир ҳаракатлантирувчи топширик бериш; (Столдан расмларни олиб кел, ручкани олиб кел каби).

Ўқитувчи: -расмдаги қизчага қара, унга исм бер;

Ўқувчи: Нодира.

Ўқитувчи: Демак, у ким?

Ўқитувчи: Мана бу расмдаги расмдаги бола ким?

Ўқувчи: Қосим.

Ўқитувчи: Уларга қандай сўроқ бердик?

Ўқувчи: Ким сўроғи.

Ўқитувчи: Энди сен мендан сўра.

Ўқувчи: (Мушукнинг расмини кўрсатиб) Бу нима?

Ўқитувчи: Мушук.

Ўқитувчи: (Хўрознинг расмини кўрсатиб) Бу нима?

Ўқувчи: Бу хўроз?

Ўқитувчи: Биз уларга қандай савол бердик?

Ўқитувчи: Энди мана бу расмларни ичидан ким ва нима сўроғига жавоб бўладиган расмларни алоҳида ажрат.(Бу вазифани бажаришда ўқитувчи ёрдам бериб туриши керак. Бу вазифани бажариб бўлгач, ўқитувчи айик расмини кўрсатиб, яна савол беради.)

-Бу нима?

Ўқувчи: Айик.

Ўқувчи: У қаерда яшайди?

Ўқувчи: Айик ўрмонда яшайди.

Ўқитувчи: Мана шу гапнинг доскага ёз.

6. Бутун синф билан ишлаш:

Ўқитувчи: Болалар доскадаги гапни ўқинг. Мана шу гапни бош бўлақларини топамиз. (Энди ўқитувчи бутун синф билан ишлайди).

7. Жисмоний дақиқа:

Ўқитувчи: -болалар, синф тахтасининг ёнида ким турибди? (Имконияти чекланган боланинг исмини айтишади)

Ўқитувчи: Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб уни “ўққа тутамиз”. Бунинг учун ҳар биримиз унинг биттадан яхши хислатини баланд овозд айтামиз. Масалан, Ҳабибулло меҳрибон бола.

Ўйин ҳамма болалар биттадан фикр айтиб чиққунларигача давом этади.

8.Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш

Биттадан гап ёзилган карточкалар болаларга тарқатилди. Ҳар бир бола ўз каточкасидаги гапнинг эга ва кесимини топиб таҳлил қилади. Болалар бу вазифани бажаргунча ўқитувчи ақлий ривожланиши орқада қолган бола билан ўтилган дарсни мустаҳкамлайди.

9.Уйга вазифа бериш ва дарсни яқунлаш

3. Кўришда муаммоси бўлган болалар

Кўриш анализатори ёрдамида оламни идрок этиш боланинг руҳий ривожланишида жуда катта аҳамият касб этади. Теварак-атроф ҳақидаги энг кучли таассуротлар кўз билан идрок этилади. Бола кўриш қобилияти орқали нарсаларнинг ранги, шакли, ҳажми, ҳаракати, узоқ-яқинлиги, фазодаги ўрни ҳақида тасаввурларга эга бўлади.

Кўришда муаммоси бўлган болаларнинг кўриш қобилияти кескин камайган (тогал кўрлар), ёки коррекцион воситалар бўлганда (кўзойнак тутилганда) ҳам кўриш ўткирлиги 0,4 гача пасайган бўлади. Заиф кўрувчи болаларда эса кўриш ўткирлиги 0,4 гача бўлиши мумкин.

Кўриш қобилиятининг пасайиши киши физиологик ва психологик таракқиётини муайян даражада қийинлаштиради, ўзига хосликларни намоён этади. Бу намоёнлик албатта салбий оқибатларда ўз ифодасини топади. Атроф- муҳитни кўриш сезгиси асосида идрок этишнинг қийинлашуви ёки бутунлай йўқолишига атроф-олам ҳақидаги тасаввурларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Ногирон болалар нормал ривожланишдаги болалар сингари ҳаёт тарзини катталардан тақлид асосида самарали ўргана олмайди. Бу боланинг у ёки бу ҳатта-ҳаракатни бажаришида номутаносибликка олиб келади. Демак, кўзи ожиз болалар шахсининг таракқиёти муайян кечикишлар билан кечади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида кўришда муаммолари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш билан бир қаторда болаларда сақланиб қолган кўриш имкониятларидан ўқиш жараёнида тўғри фойдаланиш ва буларни ривожлантириш, кўриш қобилияти пасайиб кетмаслиги учун шарт-шароит яратиш, олий руҳий жараёнларни тарбиялаб боланинг билим доирасини кенгайтириш, ривожлантириш, болаларда кўриш қобилияти заифлиги натижасида пайдо бўлган иккиламчи руҳий асоратларни бартараф этиш ва бошқа вазифалар ҳам амалга оширилади.

Шундай қилиб, инклюзив таълим тизимида ҳам умумтаълим педагоглари томонидан кўришда муаммолари бўлган болаларни таълим-тарбия йўли билан ҳар томонлама ривожлантириб бориш имкониятларини топиш энг муҳим заруриятдир.

Кўришда нуқсони бўлган болалар инклюзив таълимида синфни ва дарс жараёнини мослаштириш

1. Ўқитувчи кўришда нуқсони бўлган боладан (агарда у заиф кўрувчи бўлса) синф тахтасини кўриш учун энг қулай жойни сўраб уни ўша жойга ўтқизиши керак;

2. Агар кўришда нуқсони бўлган боланинг кўзлари ёруғликка сезгир бўлса, уни дераза ёнига ўтқазмаслик шарт. Шунинг учун ҳам боланинг кўзларини ёруғликдан сақлаш учун бошига кепка кийиши ҳамда ўқиш ва ёзиш жараёнида кўз учун картон тўсик ишлатиш керак;

3. Синфдаги энг ахлокли ва олижаноб ўқувчини аниқлаб, кўришда нуқсони бўлган болага “йўл бошловчи” ўқувчи қилиб тайинлаш керак.

4. Ўқитувчи синф тахтасига ёзилган маълумотларни баланд овозда ўқиши талаб этилади;

5. Кўришда нуқсони бўлган бола маълумотларни эшитиш ва тактил сезгилари асосида эгаллайдилар. Шунинг учун ҳам уларга буюмларни ушлаб кўриш имкониятини бериш керак.

6. Ўқитувчи синфий мунозараларда ким гапираётганлигини кўришда нуқсони бўлган бола билиши учун ҳар бир ўқувчининг исмини айтиб туриши керак.;

7. Кўришда муаммоси бўлган боланинг кўзи тез чарчаб қолишини ҳисобга олиб, дарс вақтида уларга иш турларини мумкин қадар ўзгартириб туриш лозим;

Кўзи ожиз болалар инклюзив таълими учун тахминий дарс ишланмаси

Мазкур дарс ишланмаси кичик мактаб ёшидаги кўришда нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, алоҳида ёндашилган ҳолда ўқитилишни назарда тутди.

Мавзу: Майда қўл моторикасини ривожлантириш.

Мақсад: Сезиб ҳис қилиш ва майда қўл моторикасини ривожлантириш. Предмет тасаввурларини ривожлантириш. Сезишни ривожлантириш.

Жихоз: “Сехрли қопча” турли буюмлар билан ғудда, тугмалар, маржонлар ва ҳ.к.

Дарсинг бориш

I. Қўл мушакларини бўшаштирувчи машқлар.

1. “Ҳайр”. Қўл панжалари билан баравар ёки навбатма-навбат хайр ҳаракатин бажариш.

2. “Бизларга, бизларга”. Қўл бармоқлари билан баробар икки навбатма-навбат чиқариш ҳаракатини бажариш.

II. Турли буюмларни ажратиш. Кутида ёнгоқ, ғудда, маржон ва тугмалар бор. Уларни аввал ажратиш, сўнг катталиги жиҳатдан кетма-кет қўйиш.

III. “Сехрли қопча” ўйини. Қопчада боланинг кундалик ҳаётида учрайдиган буюмлар солинган. 2 ўйинчи қарама-қарши ўтиради. Уларнинг бирида қопча. У буюмни қўли билан ушлаб, уни таърифлашни ўйлайди. Сўнгра номини айтади. 2-ўйинчи қопчани олади ва таърифга мос буюмни топади кейин биринчи ўйинчига беради. У эса тўғри ёки нотўғрилигини айтади.

I. Дарснинг якуний босқичи. Дарсда нимани ўргандик?

7- синф “Алгебра” фани

Мавзу: Йиғиндининг ва айирманинг квадрат илдизи
Мисоллар ечиш.

Мақсад: Ўқувчилар “Йиғиндининг ва айирманинг квадрати” формуласини тушуниб мисол ечишга татбиқ эта олишлари.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мавзуни тушуниб мисол ечишга татбиқ этишни ўргатиш.

Коррекцион мақсад: Кўришида муаммоси бўлган ўқувчининг кўрув ўткирлигини ошириш.

Жиҳоз: Қисқа кўпайтириш формулалари ёзилган ва мисоллар ёзилган тарқатма материаллар.

Дарснинг бориш:

Ташкилий қисм.

1. Навбатчи ахбороти
2. Уйга вазифани сўраш ва текшириш
3. Ўтган мавзуни сўраш бўйича тарқатма

Ал-Хоразмий гуруҳига

3. Кўпайтувчиларга ажратинг.

1. $a(x-c) + bc - bx =$

2. $139 \cdot 15 + 18 \cdot 139 + 15 \cdot 216 + 18 \cdot 261 =$

Али Қушчи гуруҳига

Кўпайтувчиларга ажратинг.

1. $a(b-c) + db + dc =$
2. $14,7 \cdot 13 - 2 \cdot 14,7 + 13 \cdot 5,3 - 2 \cdot 5,3 =$

Янги педагогик технология асосида янги мавзу ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун берилган эди. Ўқувчилар бирма-бир чиқиб, йигиндининг ва айирманиннг квадрати мавзусини тушунтириб, берилган мисолларни ечишади.

$$1. (a+b)^2 = (a+b)(a+b) = a^2 + ab + ab + b^2 =$$

$$\text{Демак, } (a+b)^2 = a^2 + 2ab + b^2$$

Мисол.

$$2. (a-b)^2 = (a-b)(a-b) = a^2 - ab - ab + b^2 = a^2 - 2ab + b^2$$

$$(a-b)^2 = a^2 - 2ab + b^2$$

Синфда 365 ва 368- мисоллар ечилади. Мусобақа ўтказилади.
Ал-Хоразмий гуруҳи ўқувчилари
365-367- мисолларнинг тоқ номерларини

Али-Кушчи гуруҳи

Жуфт номерларни ишлашади.

365-мисол

- 1) $(c+d)^2 = c^2 + 2cd + d^2$
- 2) $(x-y)^2 = x^2 - 2xy + y^2$
- 3) $(2+x)^2 = 2^2 + 2 \cdot 2 \cdot x + x^2 = 4 + 4x + x^2$
- 4) $(x+1)^2 = x^2 + 2 \cdot x \cdot 1 + 1^2 = x^2 + 2x + 1$

366-мисол

- 1) $(m-2)^2 = m^2 - 2m \cdot 2 + 2^2 = m^2 - 4m + 4$
- 2) $(x-3)^2 = x^2 - 2 \cdot x \cdot 3 + 3^2 = x^2 - 6x + 9$

367-мисол

- 3) $(3x+2y)^2 = (3x)^2 + 2 \cdot 3x \cdot 2y + (2y)^2 = 9x^2 + 12xy + 4y^2$
- 4) $(5z-1)^2 = (5z)^2 - 2 \cdot 5z \cdot 1 + 1^2 = 25z^2 - 10z + 1$

Дам олиш дақиқаси

- 1) 2007 йил қандай деб номланган
- 2) Математикага асос солган алломалар
- 3) Заминда осмон яратган олим.
- 4) $2 \cdot 2 = 8$
- 5) $11^2 = 121$
- 6) $13^2 = 169$
- 7) Мактабдаги синфлар сони
- 8) $2m + 2n$ даги умумий кўпайтувчи
- 9) $3^5 : 3^2 =$
- 10) Зич Қурағоний асарнинг муаллифи

368-мисол мустақил ечилади

Ўқувчилар билимини баҳолаш

Уйга вазифа

4. Инклюзив таълим муассасаларида имконияти чекланган болалар учун шарт-шароитлар яратиш

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш яъни инклюзив таълим учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш лозим:

- ногиронликни эрта ташхис қилиш;
- умумтаълим муассасалари биноларида алоҳида эҳтиёжли болалар учун мослаштирилган барча шарт-шароитлар (иншоотлар)ни яратиш;
- коррекцион ёрдамни амалга оширишнинг марказий тармоғини кўпайтириш;
- умумтаълим муассасалари ва махсус таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, яъни “биродарлашган” муассасалар фаолиятини юзага келтириш;
- айрим ногирон болаларни умумтаълим муассасалари шароитида ўқитишни ташкил этиш мақсадида умумтаълим педагоглари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларидан ўтказиш ва уларни махсус ёрдамчи воситалар, ўқув-методик адабиётлар, услубий қўлланмалар билан таъминлаш, шунингдек мактабда турли дастурлар ёрдамида таълимни ташкил этиш;
- барча болалар учун таълим шароитини яратиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

IV БОБ: ИНКЛЮЗИВ СИНФЛАРДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУРИЙ ТАВСИЯЛАР

Айрим тоифадаги имконияти чекланган болаларнинг таълим дастурларини яхшироқ ўзлаштиришлари учун ўқув режани ўзгартирилиши талаб этилади. Шунингдек, имконияти чекланган болалар билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган Давлат таълим талаблари ҳам болаларнинг имкониятларидан келиб чиққан хола мослаштирилдаи. Аммо ушбу масалани ҳал этишда мукамал ташхис, билим, кўникма ва малакаларни баҳолашда юқори касбий маҳорат ҳамда коррекцион талабларни билиш ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талабдир. Агар ўқитувчи юқоридаги каби талабларга жавоб бера олмаса, имконияти чекланган болани “буни билмайди”, “буни билиш имкониятига эга эмас” қабилида, ёки боланинг уқув қобилияти эгаллай олмайди даражага оғир топшириқларни бериш орқали болага юкломани орттириб юбориш эҳтимоли кучли.

Ҳар бир ўқувчининг “Маълумотларни ўзлаштириш имкониятлари” ва таълимий талабларни модификациялаш тушунчаларини етарлича ўрганиб олиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг маълумотларни ўзлаштириш имкониятлари ҳар бир боланинг маълумотларни ўзлаштириш тезлиги, ўзлаштириш учун зарурий воситалар кенглиги назарда тутилади. Маълумотларнинг ўзгартирилиши тест ечтириш орқали олинган натижаларга таъсир этмайди. Масалан, кўришда муаммоси бўлган ўқувчи Брайл тизими бўйича ёзилган тестни топширади. Айримларга эса топшириқни бажариш вақтида ташқи шовқинлардан холи бўлган синфда қолиш муҳимдир.

Модификациялашни эса топшириқ ёки тестни бажариш стандарт жараёнини ўзгартирувчи айрим ўзгариш ёки имконияти чекланган ўқувчилар билими даражасига қўйилувчи талабларнинг ўзгариши сифатида қабул қилиш мумкин.

Маълумотларни ўзлаштириш даражаси, ҳолати ва модификациялашдаги муҳим ўзгартиришлар ўқувчиларнинг индивидуал таълимий режасига киритилиши керак. Бу ўзгаришларни алоҳида ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг индивидуал талабларини акс эттирадиган қилиб қўллаш лозим.

Қуйида инклюзив синф ўқувчилари учун дарслик, дастур, ўқув режа ва бошқа таълимий масалаларни мослаштириш бўйича ўқитувчиларга тавсиялар тақдим этилган.

1. Дарслик

- Бир хил мазмунга ёки нисбатан осон ўқиладиган алтернатив форматдаги дарсликлар билан таъминланиши;
- Ўқувчилар матнни бир вақтнинг ўзида ҳам ўқишлари ҳам эшитишлари учун аудио-дарсликлар билан таъминланиши;
- Дарслик бобларининг қисқа мазмунини келтириш;
- Юқори даражада ўқиш учун кизик материаллар билан таъминлаш;
- Мухим маълумотни аниқлаш учун маркерларни қўллаш;
- Тушириб қолдирилган сўзли гапларни қўллаш;
- Мактаб ва уй вазифалари учун икки комплект билан таъминланиши;
- Асосий мавзуларни ёзиш учун карточкаларни қўллаш;
- Матнни ўқишдан олдин шу мавзунинг муҳокама қилиш учун ўқувчиларга саволлар рўйхатини тақдим этиш;
- Тўғри жавобларни топиш учун саҳифалар номерларини кўрсатиш;
- Кўришда муаммоси бўлган болаларни Брайл тизимига асосланган ёки катта шрифтлар билан босилган ўқув материаллар ва дарсликларнинг алтернатив варианты билан таъминлаш;

2. Ўқув дастурлари

- Асосий тушунчаларни ўзлаштиришга йўналтирилган қисқартирилган топшириқлар берилиши;
- Нисбатан функционал сўзларнинг устида ишлаш учун йўналтирилган қисқа тестлар;
- Ёзма топшириқларга алтернатив аралашувлар (ёпиштириш, расм чизиш, панорама ва бошқалар);
- Кўп қайтарилувчи топшириқларни аниқ тушунтириш;
- Топшириққа диққатнинг йўналтирилиши (Масалан “Сен мана шу бобни ўқиб чиқсанг Ватан уруши юзага келишининг уч сабабини топасан”);

- Ҳажмли ёзма топширикни алтернатив вариантини тақдим этиш (Масалан бир неча катта бўлмаган маълумотни ёзиш, белгиланган мавзу бўйича оғзаки маълумот тақдим этиш);

3. Синф билан ишлаш

- Ўқувчиларнинг ҳар бири учун индивидуал қоидаларнинг мавжудлиги;
- Ўқувчиларнинг эҳтиёжлари билан мос ҳолда синф ташкил этилганлигини баҳолаш;
- Шиддатли машғулотлар вақтида жимликни сақлаш;
- Синфда диққатни чалғитувчи нарсаларнинг йўқлиги (масалан, мобил телефонлар);
- Ёзма ишларни бажариш учун персонал компьютерлар билан таъминланиши;
- Ўқувчиларнинг ўқитувчига яқин дўстона муносабати;
- Индивидуал ишлар учун кабинетнинг қўлланилиши;
- Синфда қўшимча материалларнинг мавжудлиги (калам, китоблар);
- Алтернатив топшириқларнинг кроссвордлар билан қўлланилиши;
- Парталар орасидаги бўшлиқнинг етарли бўлиши.

4. Таълим ва топширик

- Топшириқларнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда қўлланилиши;
- Топшириқнинг босқичма-босқич тушунтирилиши;
- Топшириқнинг кетма-кетликда бажарилиши;
- Ўқувчиларнинг топшириқни бажариш инструкциясининг қайтарилиши;
- Ўқитишнинг аудио-визуал техник воситалардан фойдаланиш;
- Бажариб бўлинган топшириқни намойиш қилиш (Масалан, математик топшириқларнинг ечими)
- Топшириқни тушунтириш вақтида ўқувчиларга яқинлик.

5. Фаолият турларини ўзгартириш

- Ўқувчиларнинг фаолият турлари ўзгаришига тайёрлиги;
- Топшириқни тугатиш учун қўшимча вақт берилиши;
- Уй вазифасини топшириш учун қўшимча вақтнинг берилиши;
- Ҳаракатланиш чоғида қўшимча ёрдамнинг таъминланиши.

6. Ёзма топшириқлар

- Энг кам тўлдиришларни талаб қилувчи машкли варақларнинг қўлланилиши;
- Тушириб қолдирилган сўз гапли машғулотларнинг қўлланилиши;
- Имконияти чекланган ўқувчиларни бошқа ўқувчилар конспектлари ёки ўқитувчининг ёзган ишлари билан таъминланишини яратиш;
- Печат қилинган материалларни видео ва диафильмлар билан тўлдириш;
- Ўқувчиларнинг доскага ёзилган топшириқларнинг печатли нусхалари билан таъминланиши;
- Ўқувчилар жавобарни ёзиб олиш учун диктофон ишлатишга рухсат бериш.

7. Билимларни баҳолаш

- Эришилган ютуқ ва сарфланган кучларнинг мослиги бўйича индивидуал баҳолаш шкаласини қўллаш;
- Чорак баҳо чиқариш мақсадида кундалик баҳолаш;
- Тест топшириқларини ёмон бажараётган ўқувчининг дарсдаги ишини баҳолаш;
- Яхши баҳоларга диққатни қаратиш;
- Ўқувчи бажара олмаётган топшириғини қайта кўриб чиқишга рухсат бериш;
- Қайта кўриб чиқилган ишларни баҳолаш;
- Ўқувчилар эришган ютуқларни баҳолаш тизимини қўллаш.

8. Тестлар

- Топшириқни оғзаки тушунтириш;
- Тест топшириқлари билан ишлашни ўргатиш (Масалан, вақтни ҳар бир тестни бажариш учун тенг бўлиш);
- Ўқувчиларнинг ёзилган рўйхат билан таъминланиши тестни бажариш учун вақтнинг чексиз бўлиши
- Ташқи таъсирларсиз бўлган хонада тестни ўтказиш (маслан, кутубхонада);
- Тест материалларини ўқувчилар томонидан ўқилиши ва оғзаки ечилиши;
- Ўхшаш муаммолар бўйича тестларни секцияларга бўлиш;

- Тўғри ва нотўғри жавобларга эга бўлган танлаш имконини берувчи тестларни қўллаш;
- Тестга алтернатив сифатида ўқувчиларга индивидуал лойиҳаларни танлаш ва бажаришга рухсат бериш;
- Баҳо ўрнига ўқувчилар эришган ютуқларни маълум қилиш;
- Иш мазмунидан алоҳида тўғри ёзишни баҳолаш;
- Печатланган ўқув материаллари билан таъминланиши;
- Тестни уйда ёки дарсликларнинг ёрдами билан бажаришга рухсат бериш;
- Тушириб қолдирилган сўзли топшириқ учун ишлатилиши мумкин бўлган жавобларни келтириш;
- Туширилган сўзни биринчи ҳарфини ёзиб қўйиш.

9. Математика

- Ўхшаш муаммоларни гуруҳлаштириш;
- Масалани бир варақ қоғозга кам ҳажмдаги топшириқларни сиғдириш (масалан, бир саҳифада тўрттадан олтигача топшириқларни сиғдириш);
- Баҳо олиш учун кам топшириқни қўллай олиш;
- Муаммони ёзма ифодалаш учун катта форматдаги қоғоздан фойдаланиш;
- Қўшимча маълумотлар олиш учун математик предметли столни ажратиш ва тақдим этиш;
- Ҳар бир ўқувчига визуал сонли қаторнинг ажратилиши;
- Муаммоли топшириқларни босқичма-босқич тақдим этиш;
- Визуал қўлланмаларнинг қўлланилиши (Расмлар, чизмалар).

10. Қўшимча маълумот

- Дарслиқдаги топшириқларни ажрата олиш;
- Ҳар бир топшириқ бўйича акс боғланишни таъминлаш;
- Ўқиш чоғида уни осонлаштириш учун чизғичдан фойдаланиш;
- Узоқ муддатли топшириқларни топшириш чоғида ўқувчилар улардан нима талаб қилинаётганини билишлари учун умумий тушунча берилишини таъминлаш;
- Узоқ муддатли топшириқлар чоғида уларни босқичма-босқич бажариш, кундалик текшириш ва қисман баҳолашга мўлжал олиш;

- Бутун синф олдида бажарилган топширикни намойиш қилишдан олдин кичик гуруҳда намойиш қилиш имконини бериш;
- Топширикли, машқли варақларни бир вақтда тарқатиш;
- Топширикни энг осон қисмидан бошлаб кетма-кет бажариш;
- Светокопияловчи қоғозда тасвирни лойиҳалаш;
- Тестни бажариш чоғида ёрдамчи саволларни қўллаш;
- Дафтарга топшириқларни ёзиш амалиёти;
- Ҳодисалар орасида боғланишни белгилаш учун стрелка кўрсаткичларидан фойдаланиш (машғулоти варақда, доскада).

11. Ҳатти ҳаракат

- Ўқув кунини ташкил этиш;
- Бир ўқувчи иккинчи ўқувчига намуна бўла оладиган тарзда ўқувчиларни лойиҳаларни амалга ошириш учун жуфтликларга бўлиш;
- Ўқувчилар амал қилишлари керак бўлган мактаб қоидаларини белгилаш;
- Ушбу қоидаларни эслатувчи мулоқотнинг новербал воситаларни қўллаш;
- Қоидаларга амал қилувчи ўқувчиларни рағбатлантириш (Масалан, доим қаламини унутувчи ўқувчини бугун қалами ёдидан чиқмагани учун мақташ);
- Қоидабузарлиги учун жазони иложи борича камайтириш, салбийдан кўра ижобий нарсаларга эътибор қаратиш;
- Ижобийликка қаратилган ва ўқувчининг малака ҳамда кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ахлоқий режа тузиш;
- Вазият тақозо этганда ўқувчиларга синфни тарқ этиш (хавфсиз жойда) ёлғиз қолишга имокн яратиш;
- Ўқувчиларга тушунарли бўлган ва уларга айна вақтда унинг ахлоқи бу вазиятга мос эмаслигини тушунтириш мумкин бўлган кодлар тизимини (сўзлар) ишлаб чиқиш;
- Аҳамиятсиз қонун бузишларни эътиборсиз қолдириш;
- Кўзланмаган ва йўл қўйиб бўлмайдиган ахлоқий келишмовчиликлар чоғида аралашув чораларини ишлаб чиқиш;

- Имконияти чекланган ўқувчиларнинг чарчаганини ёки медикоментоз воситаларини қўлланилишини муҳимлигини огоҳлантирувчи мустақил ўзгаришларни билиш.

V БОБ: СИНФ ВА ГУРУХЛАРДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТУШУНЧАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Болалар онгида иркчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар ҳақоратлар ва масхараланишларга дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулқ-атвори айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз қолдираётганликларидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенгхуқуқли, севимли, дўстона илиқ муносабатдаги мухитини яратиш лозим. Мактабда иркчиликни, ногиронлик устидан кулишни кораланиши ва турли куринишлардаги тассавурларга қарши чиқиб болалар ўртасидаги тенгхуқуқликлик тушунчасини шакллантириш керак. Шунинг учун ҳам куйида болалар ўртасида тенгхуқуқликликни тушунчаларини шакллантириш бўйича тавсиялар берилди:

- Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва ҳис туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзаро қўллаб-қувватловчи ва ҳамжиҳатликдаги ижобий мухитни яратишга ёрдам беришлари лозим;
- Ўқувчилар онгига ногиронлик-алоҳидалик эмас, балки камчиликнинг мавжудлиги натижасида имкониятлар чеграланганлигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан кўркиш, жирканиш ҳисларини йўқотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар дасрларда стереотипларни кўзгашдан қочишлари ва таассубларини қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шарҳламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лақаб қўйиш, масхара қилиш салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга йўл қўймасликлари талаб этилади.

Зарур булган ҳолатларда имконияти чекланган болаларга айрим ўқувчилар томонидан билдириладиган салбий муносабатларни бутун

синф билан муҳокама қилиш ўринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиригача курашиш лозим.

Ҳар бир муҳокамада болаларнинг ютуқларининг унинг аввалги ютуқларига солиштириб, қайд этиб, таъкидлаб бориш муҳимдир. Ўқувчилар билан турли хилдаги анкеталар ва психологик тестлар ўтказишда боланинг ирқиға, ижтимоий келиб чиқишга, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айна муддао.

Ўқувчилар ишларини ва уларнинг ютуқларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намойиш қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда катта самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни қўллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, улар инклюзив таълимга мос келиши керак. Мактаблар ошкоралик тамойилига амал қилиниши, ўқувчилар, оналар ва педагоглар ўзаро яқиндан мулоқат қила олиши муҳимдир.

1. Инклюзив таълимни амалга ошириш йўллари

Юқорида келтириб ўтилганларни тавсиларни мактаб ҳаётига жорий этиш учун ўқитувчилар ўқувчилар билан ҳар куни уларни кизиқтирувчи, улар учун аҳамиятли ёки хавотирга солувчи, таҳликага туширувчи сабаблар, мавзулар ҳақида суҳбатлашиш имкониятини топиш зарур.

Бу жараён барча ўқувчиларнинг жумладан, имконияти чекланган боланинг ҳам ички дунёсини ўрганиш, муаммоларини англаш имконини беради. Агар алоҳида эҳтиёжли ўқувчи ўз ички кечинмалари ҳақида гапира олмаса, унда уялиш, ҳадиксираш ҳисси кучли бўлса шундай йўл тутиш лозимки, бутун синф уни қўллаб-қувватласин. Бундай муҳитда ҳар бир бола ўзини хавфсиз сезади ва ўз кечинмаларини бошқаларга кўркмай баён эта олади. Шунингдек, ўқитувчи дискриминация илдизларини тарихий ва замонавий ҳолда шундай тушунтириш керакки, болалар инсонлардаги исталган фарқларни тушуниш ва қабул қилиш мумкинлигини англаб етсинлар. Айниқса ушбу вазифани ўқувчилар онгида кичик ёшидан бошлаб шакллантира билиш керак.

Бундай муаммоларни айрим болалар билан танффусда очик жамоат билан муҳокама қилиши яхшироқ самара беради. Лекин айрим ҳолатларда яқка, ҳолдаги муҳокама энг яхши вариант булиши ҳам

мумкин. Барча синф ва гуруҳларда агар кимнидир хафа қилишган бўлса, (озгина бўлса ҳам педагог дарсини тухтатиш ва буни муҳокама қилиши лозим). Муҳокаманинг мақсади ижобий муносабатни ривожлантиришдир.

Дарсларда ўқувчилар гуруҳини шундай жойлаштириш керакки, болаларда алоҳида ҳолда, мосламалардан бир оз фойдаланиб ишлаш имкониятига эга бўлсин. Педагогда маълум ўқув режаларида мажбурий бўлган топшириқларга эгилувчан, мослашувчан муносабатда бўлиш керак.

Синфни гуруҳларга, жуфтликларга бўлиш ва индивидуал топшириқлар топширишлари керак. Гуруҳ таркибини турли ўқувчилардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилиш (болалар кизиқишларини ҳисобга олиб) гуруҳларда ногирон ва соғлом ўқувчилардан иборат бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи ҳар бир боланинг бажарган ишини индивидуал баҳолашини ва синф ютуқларини ривожлантиришга қорлаши ҳам муҳим.

Юқоридагилардан ташқари алоҳида эътиборни болалар оёқларини узоқ муддатга чалкаштириб утирмасликларига қаратинг, чунки бу ноқулай, уларнинг жисмоний ривожланишларига ёмон таъсир этади ва диққатни пасайишига олиб келади. Айрим болаларга оёқларини чалкаштириб ўтириш умуман мумкин эмас. Масалан, болалар артрити бўлган болаларга, шунингдек имконияти чекланган болаларнинг қулай ўтиришлари учун турли ёрдамчи воситалардан ёстиклар, стуллар ва бошқалардан фойдаланиш керак.

2. Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг баъзи бир хусусиятлари

Аравачага юрадиган ёки ҳасса ва бошқа мосламалар орқали ҳаракатланувчи болалар учун синфдаги ҳаракатланиш жойларини етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида қуйидагиларга эътибор беринг:

- Қўриш ва эшитиш қийинчиликларига эга болалар гилам ва парталар орасида бутун синф фаолиятида иштирок эта оладиган тарзда ўтирганларига ишонч ҳосил қилинг;

- Таълим олишда кийинчиликка учрайдиган болалар ўйинларда иштирок этишларига имконият яратилган ва бунда таълим олиш имкониятларини қўллай олишларига ишонч ҳосил қилинг;

- Турли хил тиббий муаммоларга эга болаларнинг айримлари тез-тез овқатланиш, суюқлик ичиш ёки бошқаларга қараганда ҳожатга кўпроқ бориш эҳтиёжига эга бўладилар. Бундай болалар ўзларини ноқулай ҳис этмасликлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратинг;

- Узок муддатлик тик тура олмайдиган болаларни ҳам эътибордан четда қолдирманг;

- Агар болага диққатни жамлаш ёки кўринмас яширин (аутизим ёки гиперфаоллик натижасида диққатнинг етишмаслиги) натижасида тинч ўтиришга кийналса, бошқа ўқувчилар айтилган вазифалар билан машгул бўлсалар ҳам диққати тарқоқ ўқувчиларнинг бир нафас дам олишларига имкон беринг.

3. Инклюзив таълимда тенглик тушунчасини шакллантириш йуллари

- Педагоглар имконияти чекланган бирор бир катта ёшдаги шахсни таклиф этиш асосида ногиронликнинг ижтимоий ҳолатлари ҳақида суҳбатлашиш натижасида ўқувчиларга ногирон инсонлар ҳаёти, уларнинг ютуқ ва муаммоларини тушунтириб беришлари мумкин. Синфни ногиронлик-имкониятларнинг чегараланганлиги тушунчаларини тушунтириб, кимлар ногирон хисобланишини айтиб, ўқувчиларга тўғри тушунча бера олинг.

- Касал бўлган ёки қисқа муддатга бирор жойини жароҳатлаган инсон билан ногирон инсон орасидаги фарқни тушунтириб беринг. Кўпгина болалар касаллик ёки жароҳатланиши тажрибасига эгалар. Улар билан шу ҳақида ва уларнинг таналарида юз берган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашинг. Улардан бундай вақтда ўзларини қандай ҳис қилганликларини сўранг. Уларга ногиронлик бу батамом тузалиб кетмаслик ёки соғайиш учун йиллар керак бўладиган ҳолатда тана билан юз берадиган ҳодиса эканлигини тушунтиринг. Ногиронликнинг кўриш, эшитиш, руҳий ва бошқа жараёнларнинг заифлиги, камлиги каби оддий тушунча эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш.

- Ногирон инсондан ўз ҳаёти ҳақида гапириб беришни илтимос қилинг, бу болалар учун катта таассурот қолдиради. Ўз ҳаётларида кечирган қийинчиликлар, муаммолар, бошқаларнинг муносабатлари, нима сабабдан қаситишларга учраганлиги ва ҳоказолар. Бу ўқувчилардан ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишга ёрдам берди.

- Синфлар ошқоралик тамойили асосида барча масалаларни муҳокама қилиш лозим. Болалар ўз тажрибаларини ёки ўзларини танийдиган масалан, қариндошлари ёки дўстларининг ногиронлиги ҳақида гапириб беришлари мумкин. Бошқаларнинг масхаралашлари, ҳақорат қилишлари қандай таъсир қилганлигини сўзлаб бераётган вақтда имконияти чекланган ўқувчининг ҳикоясини қўллаб-қувватлаб туриш керак. Барча ногиронлар синфда ўзларини эркин сезишлари ва бемалол гаплашишлари лозим, хаттоки яширин турдаги ногиронлар ҳам (масалан, тутқаноғи бор, қандли диабетлар, сурункали астмалар).

- Педагог сўзга чиққан ногирон боланинг ёки синфдаги исталган ногирон боланинг эришган ютуқларини ёки қобилиятларини қайд этиб ўтиши мумкин. Шунингдек куйидагиларга ҳам эътибор қаратинг:

1. Инсонлар ўртасидаги фарқлар мавзусини тушунтириш учун расм чизиш, ўйин ўйнаш, спектакл, мусиқа, ашула, ҳикоялардан фойдаланинг. Шуни ҳар доим эслатиб турунги, ҳар томонлама соғлом инсонларнинг ҳаммаси ҳам жамиятга фойда келтиравермайди.

2. Ўқувчиларга асло лақаб қўйманг. Бутун синфни гуруҳларга бўлиб катта форматдаги қоғозга ёки доскага ногиронлик ҳақида эшитган сўзларини барчасини ёзишларини талаб этинг. Сўнгра бутун синфдан ёки ҳар бир гуруҳдан салбий деб ҳисобланган сўзларни алоҳида ижобий деб ҳисобланганларини алоҳида ажратиб ёзишларини сўранг. Болалар билан уларнинг ўзларини бошқалар мана шу сўзлар билан аташганда қандай ҳис қилишларини муҳокама қилинг. Ўзингизда мана шу сўзларнинг айримларини келиб чиқиши ёзилган карточкалар бўлсин.

3. **Мактабдаги атроф-муҳит.** Мактаб атрофида имконияти чекланган ўқувчиларнинг эркин ва муаммосиз ҳаракатланишига ҳам ўқитувчи энг биринчи галда эътибор қаратиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам сиз аравадада ўтирадиган ўқувчи билан мактаб

атрофини айланиб чиқинг. Натижаларини муҳокама қилинг ва ёзма тарзда мактаб раҳбариятига тақдим этинг.

4. Ташқи олам. Синф билан сизнинг маҳаллий дўконингизнинг атрофини барча ҳудуд ва алоҳида сегментларини тасвирланг, харита билан сайр қилинг. Олдин айрим дўкон турлари ёки хизмат қилиш биноаларини белгилаш учун белгиларини келишиб олинг. Болаларга озиқ-овқат дўконларини, сартарошхоналари, банклар, ресторан, дорихоналарнинг аравачада ҳаракатланувчи инсонлар учун тўсиқ бўла оладиган жиҳатларини дафтарда белгилаб боришни таклиф этинг. Аниқланган белгилар бўйича бутун синф билан муҳокама ўтказинг. Шунингдек болаларнинг аниқланганлари бўйича нималарни ўйлаётганликларини ҳам ҳар биридан сўранг. Мунозара натижасида гуруҳлар синфда қуйидаги топширқлари аста-секинлик билан бажаришлари мумкин:

А) Ташкилот раҳбариятига муассасасининг ногиронларга ноқулайлик жиҳатлари аниқланганларини тушунтириш хати асосида ёзиб тушунтириш ишларини олиб бориш;

Б) Қулайлик барчага кераклигини ва нима учунлигини акс эттирган деворий газета яратиш ёки чизиш.

В) Хизмат курсатиш соҳаларида қулайлик мавжуд бўлмаганда ногиронларда юз берувчи айрим муаммоларнинг акс эттирувчи ролини саҳналаштириш.

Г) Умумий мажлис уюштириш ва бутун синф ўқувчиларини мактабда амалга оширган ишлари ҳақида маълумот беришлари.

4. Имкониятлар чегараланганлиги тушунчасини муҳокама қилиш босқичлари

1. “Ногирон” сўздан уялманг. Бу сўзни сиз кимларнингдир имкониятлари чекланганлигини баён этиш учун эмас кўпроқ жамиятнинг инсонларга булган муносабатини билдириш учун қўллашингиз мумкин.

2. Ногиронлик ҳақидаги суҳбат ўқувчилар ўртасидаги фарқларни муҳокама қилишнинг бир қисми бўлиши керак, масалан, ирқи, жинси, дини, маданияти ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар катталар кундалик мулоқотининг бир қисми бўлиши керак.

3. Дарсларни ногиронлар ҳаёти билан боғлаб олиб бординг. Масалан, тарих дарсларида имконияти чекланган инсонлар ҳақидаги

тарихий материалларни кузатиш, математика дарсларида шунга оид муаммоларни ечишга қаратилган топшириқлар бериш (масалан, ўқувчиларга бинога аравача киришида мос йўлка қуриш учун пропорция тузиш топшириғи берилди).

4. Ўқувчиларга инсонларнинг чекланган имкониятлари ҳақида саволлар беришни маън этманг. Яхшиси гапирилаётган инсондан сўранг, унинг ўзи мана шу саволга жавоб беришни истайдими. Агар истамаса болага бу инсон ҳозир ушбу мавзуда гаплашишни истамаётганини тушунтириш керак. Масалан, сизнинг ўзингиз жавоб бера оласиз ёки жавоб топа оласиз, боладан мана шу ҳақда бир оз кейинроқ сўрашни таклиф этинг.

5. Сиз ногиронлик ҳақида бахтсизлик ҳақида гапиргандек гапирмаётганингизга амин булинг. Имконияти чекланганлар ўзларини касал сифатида ҳис қилишлари ёки ортикча даволанишга эҳтиёж сезишлари шарт эмас. Ногирон болалар учун уларнинг ҳаётларида катта ёшдаги ногирон инсонларнинг ижобий ҳаётларидан намуналар кўрсатилиши, ўзи ҳақида ва ўз ҳаёти ҳақида ижобий луғат бойлигининг бўлиши муҳимдир.

6. Имконияти чекланган болаларга ўзларининг чекланган имкониятлари ҳақида гапириб беришга имкон беринг, лекин истамасалар мажбурлаш мумкин эмас.

7. Имконияти чекланган боланинг ҳоҳиш-истаклари, кизиқишлари ва эҳтиёжларини доимий равишда сўраб туринг.

8. Шундай муҳит яратингки, болалар ўз фикрлари ва кизиқишларини мустақил билдира олинлар.

9. Болаларнинг ўзларидан оилаларида, танишлари орасида ногиронлар бор ёки йўқлигини сўранг. Уларга мана шу инсонлар ҳақида саволлар беринг. Ўқувчиларга эркин гапиришларига имконият яратинг, аммо ҳақоратли ва масхаромуз мулоҳазаларга дарҳол чек қўйинг.

ХУЛОСА

Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар инклюзив таълими бугунги куннинг энг долзарб ва муҳим масаласидир. Чунки алоҳида эҳтиёжли болалар инклюзив таълимнинг самарали ташкил этилиши натижасида

- имконияти чекланган фарзандлари мавжуд бўлган оилаларнинг моддий ва маънавий муаммоларига барҳам берилади ва маҳалларда ажратиш исканжасидан қутулишга имкон яратилади;

- имконияти чекланган болаларни мактаблар ва жамоатчилик орасида камситишларнинг олди олинади, болалар ўртасида тенгҳуқуқлилиқ таъминланади, дўстона муносабатлар шаклланади;

- махсус эҳтиёжли боланинг ўз оиласи ва жамият даврасида бўлишдек улкан имконият яратилади;

- жамиятнинг янада инклюзивлашувига олиб келади;

- барча учун таълим сифати янада яхшиланади;

- имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари орасида табиий шароитларда яшаш ва меҳнат қилишга мослашадилар;

- имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва самарали мослашишлари таъминланади, яъни жамиятда бошқалар кўмагига қарамлар сони камайд.

Инклюзив таълимни жорий этиш борасида Республикамизда кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилаётган бўлсада аммо,

- жуда кўплаб умумтаълим муассасаларида комплекс тиббий-педагогик ёрдам олиш имкониятининг йўқлиги;

- умумтаълим муассасалари педагоглари махсус методикаларни билмаганлиги сабабли имконияти чекланган болаларнинг махсус эҳтиёжларини қондира олмаётганлиги;

- умумтаълим муассасаларида тифлотехник, сурдотехник воситалар мавжуд эмаслиги;

- синфда ўқувчилар сонининг кўплиги натижасида имконияти чекланган ўқувчиларни индивидуал ёндашиш жараёнини қийинлиги;

- имконияти чекланган болалар ўқитувчи томонидан кўпроқ диққат-эътибор талаб қилиши оқибатида, бошқа ўқувчиларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатётганлиги;

• умумтаълим муассасаларининг бинолари имконияти чекланган болаларнинг хусусиятларига мос равишда қурилмаганлиги сабабли мактабда ҳаракатланишга қийналаётганлиги;

• ота-оналарда инклюзив таълим хусусидаги тушунчаларнинг жуда саёзлиги натижасида, қаршиликларнинг мавжудлиги;

• имконияти чекланган болалар инклюзив таълим учун индивидуал дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги каби бошқа кўплаб муаммолар кузатилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш ва инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда муассаса педагогларининг ўрни ва роли жуда катта. Инклюзив таълимни жорий этилиши натижасида умумтаълим муассасалари педагогларига янада юқорироқ талаблар қўйилади. Чунки, инклюзив таълим педагоглари ҳар бир турдаги имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг махсус усулларини, болалар руҳиятидаги ўзига хосликларни, имконияти чекланган болалар Коррекцион Давлат таълим стандартларини ҳам мукамал билиши талаб этилади. Шунингдек ўқитувчи нормал ривожланишдаги ҳамда алоҳида эҳтиёжли ўқувчилар ўртасида илик-дўстона, самимий муносабатлар уйғота олиши, ота-оналар онгида инклюзив таълим хусусида ижобий ва тўлиқ тушунчаларни шакиллантира олиши ҳам зарур.

Хулоса қилиб айтганда, инклюзив синфларда ўқув тарбия жараёни ижобий муносабат ва эртага бугундан ҳам яхшироқ бўлишига ишонч билан йўғрилган бўлиши лозим. Ҳар бир дарсни шундай яқунлаш лозимки, барча ўқувчилар уни ишонч ва мамнуният билан ҳамда яна ва яна ўқиш, ўрганиш иштиёқи билан тарқ этсин. Ана шундай муҳитни ярата олсаккина, чинаккам инклюзив жамиятни қура оламиз. Барчаси биз педагогларнинг шижоатимиз ва маҳоратимизга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси «Ногиронлар ҳуқуқини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун -1991 йил.
2. “Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом”- ХТВ 234-сонли буйруғи-2005 йил 19 сентябр.
3. “Ногирон шахслар ҳуқуқлари” тўғрисидаги Декларация (1975 йил)
4. “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги” Конвенция -1989 йил;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 январда 573-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат Дастури.
6. “Ақли заиф шахслар ҳуқуқлари” тўғрисидаги Декларация-1971 йил;
7. “Таълим ҳамма учун” Дастурининг Миллий режаси–Тошкент-“Арнапринт” -2003 йил;
8. “Дакарские рамки действий”- Франция-“ЮНЕСКО”-2000 йил.
9. Интегрированному обучению детей с нарушенными зрением «Дефектология»- 2006/ 3
10. Интегрированное обучение и воспитание детей с отклонениями развития в Армении. Дефектология 2006/ 3
11. Интегрированному обучению детей с нарушенными зрением Дефектология 2006/ 3
12. “Мактаблар ҳамма учун”- Тошкент-“Болаларни қутқаринг”-2002 йил.
13. Международная конференция «Проблемы внедрения инклюзивного образования и способы их решения» Дефектология 2006/ 2
14. Отношение педагогов и родителей к интегрированному обучению детей с нарушенным слухом. Дефектология 2005 / 5
15. Опыт работы по интеграции детей с нарушениями слуха в общеобразовательную школу. Дефектология 2005/ 4
16. “Проблемы в включения детей со специальными образовательными потребностями в общеобразовательный процессе” Материалы республиканского семинара Алматы.- Алматы «Раритет» 2002 йил.

17. Р.Шомахмудова “Инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари”- Раззоков О.Ж- Тошкент-2007 йил
18. Р.Шомахмудова, А.Бердиева “Жисмоний ривожланишида муаммолари бщлган болалар билан инклюзив ва махсус таълим тизимида олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар”- Раззоков О.Ж- Тошкент-2007 йил
19. Р.Шомахмудова «Развитие инклюзивного образования в Республике Узбекистан» -”Хабарши вестник”- Олмота-2005 йил. Журнал-№2(7) 74-77 бетлар.
20. Р.Шомахмудованинг “Инклюзивное образование- Инклюзивному обществу” -“Учитель Узбекистана” газетаси, 2001 йил. .Р.Шомахмудова, Н.Гаффароваларнинг ”Рядом с нами” -“Учитель Узбекистана” газетаси- 4 июнь 2004 йил.
21. Сулайменова Р.А, Хакимжонова Г.А “Зарубежный и отечественный опыты выключения детей со специальными нуждами в общеобразовательный процесс проблемы и пути решения”-Олмота-2001 йил.
22. Туре Йонсон –“Инклюзив таълим” -Тошкент- “Оперейшен Мерси” 2003 йил.
23. «Таълим ҳамма учун миллий дастурини жорий қилиш масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-ЮНЕСКО-2005 йил.
24. У.Ю.Файзиеванинг координаторлигида амалга оширилаётган “Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш” лойиҳаси-халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ

Инклюзив таълим нима?

Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion–уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, камраб олмоқ, камраб олиш маъноларини билдиради) бу давлат сиёсати бўлиб, ногирон ва махсус эҳтиёжли болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, махсус таълимга мухтож болалар ва ўсмирларни ривожланишидаги нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар, оиланинг фаол иштирокида, хусусан боланинг эҳтиёжини қондиришга ва ижтимоий ҳаётга мослаштиришга, умумтаълим тизимига тўлиқ қўшишини ифодаловчи таълим тизмидир.

Инклюзив таълимни жорий қилиш учун зарурий чора тадбирлар

- Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- Эрта ташхисни йўлга қўйиш;
- Махсус эҳтиёжли болаларга нисбатан жамиятда ижобий муносабат уйғотиш;
- Инклюзив таълим борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;
- Ота-оналар ва ҳамжамиятнинг иштирокини кучайтириш;
- Ўқитиш учун зарур восита ва асбоб ускуналарнинг мавжудлиги;
- Таълим муассасаларини алоҳида эҳтиёжли болалар имкониятларини эътиборга олган ҳолда мослаштириш;
- Таълим бериш усулларининг алоҳида эҳтиёжли болаларга мослашувчанлиги;
- Кадрлар тайёрлаш жараёнида ислоҳотлар амалга ошириш .

Инклюзив таълимнинг вазифалари


- таълим муассасасида таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарур психолого-педагогик, коррекцион шароитлар яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга

ошириш орқали руҳий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;

- махсус таълим муассасаси ўқувчиларини умумтаълим мактаблари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб бориш йўли билан ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;
- жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, боланинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;
- имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оилалардан ажрамаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;
- жамиятда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга муқобил муносабатни шакллантиришдир

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ





ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Инклюзив синф ўқитувчиси умумий ўрта таълим муассаса Уставида белгиланган вазифалар билан бир қаторда

-тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини коррекциялаш ва меъёрга келтириш ишларини олиб боради;

-болаларни фаоллигини, таълим самарадорлигини оширувчи методларни қўллайди;

-диққат-эътибор, хотирани, кузатувчанлик, синчиковлик ва бошқа қобилиятларни тарбиялайди;

-ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини, болаларнинг билишга доир қизиқишларини ва қобилиятини ривожлантиради.

Тарбиячи иш фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи-дефектологлар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда соғлом ва алоҳида эҳтиёжли болалар билан олиб бориладиган машғулотларни режалаштириши ҳамда шу асосида олиб бориши керак. Шунингдек, тарбиячи алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш масаласида ота-оналарга ва қонуний вакилларга методик ёрдам кўрсатади, керакли иш ҳужжатларини юритади.

Психологнинг фаолияти ҳар бир боланинг руҳий саломатлигини ҳимоялаш, руҳий ривожланишидаги камчилларини бартараф этиш ва коррекциялашга қаратилади. Муассаса психологи ҳар бир болани психологик жиҳатдан текширади, доимий равишда психолого-педагогик жиҳатдан ўрганиб боради, индивидуал ривожлантириш дастурларини тузади, алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар беради, инклюзив таълим муассасасининг педагогик ҳодимларига психологик ривожлантириш масалаларида методик ёрдам кўрсатади.

Инклюзив таълим муассасаси **шифокор-педиатри (психоневролог)** ҳар бир боланинг руҳий асаб ҳолатини доимий равишда текшириб боради, зарурат бўлганда даволаш муолажаларини тавсия этади, коррекцион педагогик таълим жараёнида болалар соғлигини назорат қилади, ақлий ва жисмоний юкламанинг меъёрини белгилайди, ота-оналарга боланинг соматик ҳамда руҳий саломатлигини сақлаш юзасидан маслаҳатлар беради.

Инклюзив таълимда мактаблараро қатнаб юрувчи ресурс педагог ва унинг вазифалари

Ресурс ўқитувчининг асосий мақсади: умумтаълим муассасаларида таълим олаётган махсус таълимга мухтож ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ресурс ўқитувчи қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ҳар бир ўқувчини қайси даражадаги ёрдамга мухтожлигини аниқлаш ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда улар билан учрашиш.
- ўқувчилар билан яқка тартбда ишлаш, индивидуал режалардан келиб чиққан ҳолда уларни кузатиш, ўқув дастурига мослашишига ёрдам бериш, ўқитиш ва баҳолаш.
- синф ўқитувчиларига ўқувчиларнинг махсус эҳтиёжлари ва қобилиятларига оид маълумотларни бериш.
- синф ўқитувчиларини индивидуал ўқув режалари билан таништириш ва улар бўйича маслаҳатлар бериш.
- мунтазам равишда ўқувчиларнинг эришаётган муваффақиётларини муҳокама қилиш ва баҳолаш.
- мактаб жамоасининг бошқарув ходимлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш;
- зарурат туғилса, ўқувчиларни бошқа ёрдам кўрсатувчи уюшмаларга таклиф этиш (масалан, семинарларга, шифокорларга).
- ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан индивидуал равишда олиб бориладиган фаолиятларни қайд этиб бориш.
- стандарт ўқув режа талабларига жавоб бермайдиган вазиятларда ҳар бир ўқувчига индивидуал ўқув режа тузишга кўмаклашиш; - ўзгарувчан эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда индивидуал ўқув режаларни янгилаш ва баҳолаш.
- мавжуд барча ресурслар (ўқув адабиётлар, ўқитиш қурилмалари ва бошқа асбобларни хужжатлаштириш ва улар рўйхатини тузиш.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I боб: Инклюзив таълим сиёсатининг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан асосланиш босқичлари ва Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимнинг йўлга қўйилиши.....	4
Инклюзив таълим сиёсатининг жаҳон миқёсида ҳуқуқий-меъёрий, назарий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш босқичлари.....	4
Хорижий ва қўшни мамлакатларда инклюзив таълимни жорий қилиниш ҳолати.....	13
Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим муаммосининг илгари сурилиши ва унинг ечимлари.....	21
II боб: Инклюзив таълимнинг амалий асослари	32
Инклюзив таълимда ҳал этиладиган мақсад ва вазифалар.....	32
Имконияти чекланган болалар, уларнинг ота-оналари ва педагоглар ўртасидаги муносабатлар.....	34
Педагог амал қилиши лозим бўлган болага ижобий муносабатнинг педагогик-психологик коидалари	38
Инклюзив таълим тамойиллари.....	39
Инклюзив таълимда мутахассислар фаолияти.....	40
III боб: Инклюзив таълимни амалга ошириш йўллари	41
Ҳаракатланишида муммолари бўлган болалар.....	41
Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар	52
Кўришда муаммоси бўлган болалар.....	60
Инклюзив таълим муассасаларида имконияти чекланган болалар учун шарт-шароитлар яратиш.....	64
IV боб: Инклюзив синфларда ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун зарурий тавсиялар.....	65
Дарслик	66

Ўқув дастурлари.....	66
Синф билан ишлаш.....	67
Таълим ва топшириқ.....	67
Фаолият турларини ўзгартириш.....	67
Ёзма топшириқлар.....	68
Билимларни баҳолаш.....	68
Тестлар.....	68
Математика.....	69
Қўшимча маълумот.....	69
Ҳатти ҳаракат.....	70
У боб: Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш.....	71
Уларни амалга ошириш йўллари.....	72
Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг баъзи бир хусусиятлари.....	73
Инклюзив таълимда тенглик тушунчасини шакллантириш йўллари.....	74
Имкониятлар чегараланганлиги тушунчасини муҳокама қилиш босқичлари.....	76
ХУЛОСА.....	78
Фойдаланилган адабиётлар.....	80
Иловалар	82

Р.Шомахмудова, А.Бердиева

**Имконияти чекланган болаларни
инклюзив таълимда ўқитиш услублари**

Мухаррир Р.Шомахмудова
Компьютер устаси Н.Муззина

Босишга рухсат этилди 16.09.2008.
Бичими 60x84 1/16. Таймс гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т 5,6. 300 нусхада босилди.

ООО “ISHONCH MARKAZ SERVIS”
томонидан нашр этилди

